

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Е. А. АБДАЛИНА, Р. Ж. ХОШИМОВА

Инглиз тили дарслиги

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги университетларнинг
талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган*

(Тузатилган, тўлдирилган иккинчи нашри)

**ТОШКЕНТ
“УНИВЕРСИТЕТ”**

2000

Дарслик университетларнинг бакалаврларига мўлжалланган бўлиб, унда комплекс фонетика курсига кириш, асосий қисм, машқлар ва қушимча дидактик материаллар берилган.

Дарсликдан, шунингдек, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

СЎЗ БОШИ

Муаллифларнинг мазкур дарслиги Е.А. Абдалинова, Р.Ж. Ҳошимова ва Н.А. Шарер томонидан чиқарилган инглиз тили дарслигининг айрим тузатишлар киритилган ва тўлдирилган иккинчи нашридир.

Ушбу инглиз тили дарслиги Республикамиз университетлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, 210-250 соатлик аудитория машғулотиغا мўлжалланган.

Дарслик билан ўрта мактабларда инглиз тилидан тўлиқ курсни ўтмаганлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарслик — чет тили асосий мутахассислик бўлмаган инглиз тили дастури асосида тузилган бўлиб, талабаларни мутахассислик доирасида бўлган илмий адабиётни ўқиши, тушуниши, инглиз тилида ўша мавзу бўйича ўзаро суҳбат қила олишларини кўзда тутди ва талабаларнинг бакалавр бўла олиш даражасидаги ўқув материалларини ўз ичига олади.

Дарслик бошланғич курсга кириш ва асосий курсдан иборат.

Бошланғич курсга кириш 8 дарсдан иборат бўлиб, 48-50 соат аудитория машғулотиغا мўлжалланган.

Бошланғич курсга кириш қисмининг мақсади — инглиз унли ва ундош товушларини, товуш бирикмалари ва оҳангни тўғри талаффуз этишга ўргатишдир, шунингдек ўқиш қоидаларини ҳам қайтаришдир.

Бошланғич курсга кириш қисмидаги грамматик қоидалар ва лексика ўзаро узвий боғлиқдир.

Товушлар ҳар хил қийинчилик даражасида, алоҳида сўзларда, аста-секинлик билан узайиб боровчи сўз бирикмаларида ва охирида ўзаро боғлиқ бўлган матнларда машқ қилинади.

Ушбу курснинг бошқа бошланғич курсга кириш қисмидан фарқи шундаки, биринчи дарсдаёқ пастки пасажовчи оҳанг билан алоҳида сўзларнинг ўқилиши ўргатилади, ҳолбуки ҳар бир сўзнинг мусиқий жиҳатдан безатмай ўқиб бўлмайди. Дарсликнинг бошланғич курсдаги кириш қисмининг ёзилиши пухта ўйланган бўлиб, ўқув жараёнини илмий ташкил этиш қоидаларига амал қилиб тузилган ва унда техник воситалардан кенг фойдаланилган. Курсга кириш қисмида тематик режа берилган, унда ўтиладиган ҳар бир машғулотда фонетика, лексика ва грамматика узвий боғланган, улар талабаларнинг ўқиши, ёзиши ва оғзаки нутқини ривожлантиришга ёрдам беради.

Дарсликнинг бошланғич курсга кириш қисмида инглиз товушлар-

ри ва оҳангларидаги хатоларни талабаларнинг ўзлари мустақил тўғри лашлари учун биринчи марта методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Бутун курс давомида инглиз ва ўзбек тиллари фонологик тизими асосида қиёсланади.

Асосий курс 19 та дарсдан иборат. Ҳар бир дарс талабаларнинг билим савияларига кўра 8—10 соат аудитория машғулотига мўлжалланган.

Ритм ва оҳанг устида ишлаш асосий курсдаги (1—10- дарслар) машқларда аста-секинлик билан узайиб боровчи жумлаларда давом этади.

Грамматик ва лексик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш учун ҳар хил турдаги машқлардан фойдаланилади. Шунингдек, ўқиш қоидаларини мустаҳкамлаш, сўз яшаш ва инглизча-ўзбекча луғатдан фойдаланишни ўрганиш учун ҳам машқлар берилган.

Ҳар бир дарс гуруҳ бўлиб, якка тартибда ёки иккитадан бўлиб ишлаш, мустақил ишларни текшириш, техник воситалардан кенг фойдаланишни (магнит лентаси, кодоскоп, диафильм) кўзда тутади.

Илмий адабиётда кўп ишлатиладиган грамматик материаллар, уларни мустаҳкамлайдиган ва назорат қилувчи машқлар ўзбек тилида берилган. Уларнинг асосий мақсади талабаларда ўқиш кўникмаси ва малакаларини мустаҳкамлашдир.

Ҳар бир дарс тематик даврдан иборат, улар 2 та, А ва Б матнларидан тузилган. А-матни талабаларнинг аудитория ёки уйда лексик ва грамматик қийинчиликларни ўзлари мустақил енгиб, ўқиш-ни ўрганишларига мўлжалланган. Б-матни эса, талабаларга эскидан таниш бўлган лексик ва грамматик материал асосида тузилган бўлиб, у ҳам ўқишга ўргатади.

Ҳар бир дарсга лексик-грамматик машқлар туркуми берилган, улар матндан аввал ёки матндан кейин келади, янги грамматик материални мустаҳкамлаш учун ҳам бажарилади.

Оғзаки нутқни ўстириш учун Let's Speak English ва Dialogues сарлавҳалари остида микродиалоглар, машқлар, мустақил иш учун турли “ишбилармонлик ўйинлари” берилган. Дарсликда бундай ишларга катта аҳамият берилган, чунки бундай вазифалар талабанинг оғзаки нутқини ўстириш учун муҳим омил ҳисобланади. Дарсликнинг яна бир фойдали томонларидан бири, бу инглиз тилидаги ашулаларни musiқа билан киритилганидир. Улар ўқувчиларга яхши кайфият бағишлаб чарчоқни йўқотади ва янги материални қабул қилиш фаолиятини тезлаштиради.

Асосий курсга ҳам худди бошланғич курсга кириш қисмидаги-

дек тематик режа тузилган. У дарснинг тузилиш жараёнини, машғулот турини ва ҳар бир дарсга неча соат ажратилганини кўрсатади.

Шундан сўнг Additional Texts for Reading бўлими келади. Унга фаннинг турли соҳаларига тааллуқли илмий-оммабоп матнлар киради. Матнлар асосан унчалик қийин эмас ва талабалар уларни мустақил бажара оладилар.

Дарслик охирида нотўғри феъллар рўйхати ва инглизча-ўзбекча луғат илова тарзида берилган.

Бошланғич курсга кириш қисмини тайёрлашда диққат билан аудитив таҳлил қилиб ва ўзининг фойдали маслаҳатлари билан дарсликни тузишда ёрдам берган доцент Н. Д. Лукинага муаллифлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

Муаллифлар

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР

Дарслик устида ишлаш

Бошланғич курсга кириш қисми 8 дарсдан иборат бўлиб, у 48-50 соат аудитория ишига мўлжалланган.

Бу қисмда ҳар бир товуш, сўзни тўғри талаффуз этиш ва жумлаларнинг тўғри ритм ва оҳанг билан ўқилишига алоҳида эътибор берилган.

Фонетик машқларни бажараётганда ўқитувчи талабанинг у ёки бу инглиз товушини тўғри талаффуз этишига ва уни ўзбек тили билан қиёслашга ўргатади. Қоидага мувофиқ товушларни дарс пайғида ҳамма биргаликда жўр бўлиб қайтариш билан мустаҳкамлайдилар. Ўқитувчи талаба билан яккама-якка ишлаш жараёнида унинг хатоларини кўрсатади ва талаффузини тўғрилашга ёрдам беради, кейинги дарсда ҳам худди шу товушларни қайтарадилар. Ўқитувчидан (диктордан) кейин талабалар биргаликда жўр бўлиб машқни қайтарадилар, ўқитувчининг инглиз товушларини талаффуз этиш жараёни ҳақидаги саволларига жавоб берадилар.

Матн ва диалогга оид машқлар ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади. Талаффузни билиб олиш жараёнида алоҳида сўзлар талаффузини ўзлаштириш, кичик-кичик жумлаларни қўшиб ўқилишини билиш ҳамда гапнинг айрим бўлақларини ифодали ўқиш учун ритм, оҳангга риоя қилиш керак бўлади.

Талабалар жумлаларни биргаликда жўр бўлиб равон талаффуз этишлари учун ўқитувчи столни бир маромда уриб туради ва ўзбек тилида учрамайдиган аста-секин пасаяувчи овоз оҳангини кўрсатади.

Назорат қилишга мўлжалланган матнларни, диалогларни ва машқларни талабалар булакларга бўлиб жавоб беришлари мумкин. Бошланғич курсга кириш қисмидаги грамматик материаллар уша қисмдаги матн ва диалогларда қўлланилган. Асосий курсда ҳар бир грамматик қоида (масалан Indefinite ва Continuous) мукаммал берилган.

Аудиториядаги вақтни тежаш учун айрим грамматик қоида ва машқларни талабалар дарсдан ташқари вақтда мустақил ўрганадилар ва ёзма равишда бажариб, ўқитувчиларга текшириш учун топширадилар. Купинча талабалар сўзларнинг тўғри транскрипциясини лугатдан ўзлари топиб ёзадилар ва ёдлайдилар.

Бошланғич курсга кириш қисмини тугатганларидан кейин талабалар ўтилган мавзулар бўйича муҳассамланган ёзма иш ёзадилар.

Асосий курс 19 та дарсдан ташкил топган бўлиб, 160—200 соатли аудитория ишига мўлжалланган. Биринчи 10 та дарснинг фонетик машқлари жумлаларнинг секин-аста узайиб бориши ва оҳанг устида ишлашга мўлжалланган. Талабалар бу жумлаларни биргаликда жўр бўлиб, столни бир маромда уриб туриб талаффуз қиладилар. Бундай иш тури талабаларнинг аудиториядаги ишларини

жонлантириб юборади ва яхши натижалар беради. Кейинги 10 та дарс Let's Speak English бўлими билан бошланади, у оғзаки нутқни ривожланишига, раvon ўқиб, ритм ва оҳангни яққол тасаввур этишг ўргатади. Тилин яхши ўзлаштирувчи талабаларга бу бўлимни ёдлаш тавсия этилади.

Тўғри талаффузга ўргатиш учун дарсликда 4 та қўшиқ берилган ва уларда айрим грамматик қоидалар мустаҳкамланади.

Ўқитувчи уни тушунарли қилиб ўқиб беради, кейин талабалар тўғри оҳанг билан ўқишни қайтарадилар, ўқитувчи ёрдамида қўшиқни таржима қиладилар. Қўшиқ мазмуни билан таниш бўлганларидан кейин куй оҳангини ўрганадилар.

Грамматик қоидаларни ўқитувчи тушунтиради. Чет тили асосий мутахассислиги бўлмаган факультетларнинг дастури бўйича ҳар дарсда бир ёки иккита мавзу ўтилади. Машқларнинг тури ва сони грамматик материалнинг хусусиятига боғлиқдир. Қоидани тушунтириш жараёнидан сўнг грамматик кўникмаларни умумлаштиришга асосланган турли машқлар берилган.

Машқларни бошқалардан аввалроқ бажариб бўлган талабалар матнга берилган сўзлар устида ишлашлари мумкин.

Янги сўзлар бир неча бор жўр бўлиб такрорлангандан сўнг матн устида ишлаш бошланади. Матнлар таълим назариясининг осондан қийинга ўтиш ва лексикани такрорлаш қоидаи асосида тузилган. Матндан кейинги лексик машқларда ҳам грамматик қоидалар мустаҳкамланади ва улар билимни пухта ўзлаштириш принципи асосида тузилган. Асосий курснинг 14 та дарсидаги матнлар илмий-оммабоп бўлиб, талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга асосланган. Dialogue бўлими матнлар устида ишлашнинг давомидир. Аввал янги сўз, иборалар ўрганилади, диалог ўқилади, таржима қилинади, кейин эса роллар бўйича ўқилади.

15- дарсдан бошлаб “Луғат билан ишлаш” бўлими киритилган. Бу бўлимдаги машқларни бажаришга алоҳида аҳамият беринг, чунки улар луғат билан ишлашга ва сўз ясаш қоидаларини мустаҳкамлашга бағишланган.

Матнлардан кейин берилган машқлар янги сўзларни такрорлашга, диалоглар эса мутахассисликка оид ибораларни оғзаки нутқда ишлатишга асосланган. Яхши ўзлаштирувчи талабаларга айрим диалогларни ёдлаш тавсия этилади.

Мутахассисликка оид илмий сўзлашув нутқини ўстириш ва мустаҳкамлаш учун иккинчи матндан кейин диалоглар берилган. Бу диалогларни ҳам ёдлаш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи дарсдан то ўн бешинчи дарсгача бўлган мустақил ишларни талабалар дарсдан ташқари вақтда бажаришлари мумкин.

Ўн бешинчи дарсдан бошлаб талабаларнинг мустақил ишлари бўлими кенгайиб боради ва шу бўлимдаги машқлар ўқитувчи раҳбарлигида аудиторияда бажарилади.

Инглизча-ўзбекча луғат билан ишлаш ҳақида

Луғат билан ишлашда биринчидан, керакли сўзни тез, иккинчидан эса маъно жиҳатидан мос сўзни топиш керакдир. Бунинг учун биз нималар қилишимиз даркор?

1. Инглизча алфавитни ёддан жуда яхши билишимиз лозим, чунки янги сўздаги биринчи ҳарфдан ташқари иккинчи ҳарф ҳам алфавит қондаси бўйича танланган бўлади.

2. Сўзнинг гапда берилган шаклидан асосий шаклини топа олиш зарур: масалан, сиз гапда letting сўзини кўрдингиз. Бундай сўз луғатда йўқ. Сиз аввал сўзнинг биринчи let қисмини оласиз.

Инглиз тилида сифатдош ва герундий ясаш учун — ing қўшилади. Бундай ҳолда яна битта ундош ҳарф қўшилган бўлади. Сўз топишда фақат **let** (рухсат бермоқ) сўзи қидирилади.

Инглиз тилида кўпгина отлар ва ҳозирги замон феълининг учинчи шахс бирлигида -s, -es қўшимчалари ёки ўтган замон феълида -d ёки -ed қўшимчаси қўшилади. Луғатда бундай қўшимчалар берилмайди. Шунинг учун (he) plays деган ерда play сўзини, books деганда book сўзини топиш керак (жадвалга қаранг).

Суффикслар қўшилганда сўз орфографиясидаги ўзгаришлар

Асосий шакл	Шакл ўзгариши	Сўз ясаш қоидалари
body	bodies	отларда кўплик (-у дан олдин ундош келса, -i га айланади)
easy	easier easiest	сифат ва равиш даражалари (юқоридаги қоида)
try	he tries he tried	феълларда III шахс бирлик; ҳозирги замон (юқоридаги қоида), ўтган замон
easy	easily	равиш ясашда ҳам (юқоридаги қоида)
hope	hoping	— ing дан аввал “ўқилмайдиган” “е” тушиб қолади
put beg hot	putting begged hotter hottest	-ing, -ed, -er, -est қўшишдаш аввал ўзакдаги ундошга яна битта ҳарф қўшилади

— луғатдаги ўша янги сўзнинг берилган ҳамма маъноларини охиригача ўқиш керак.

Инглизчадан ўзбекчага таржима қилиш учун методик кўрсатмалар

Ҳар қандай матнни яхши таржима қилиш учун аввал уни тушуниб олиш керак. Ўзбекча таржимада фикрни равшан, аниқ сўзлар ёрдамида бериш лозим. Шунинг учун қуйидаги ишларни қилишимиз керак: а) матнни таҳлил қилиш; б) матн таржимаси; в) бадиий жило бериш.

Таржима қилиш дарров биринчи гапдан бошланмайди. Мақолани бошидан охиригача ўқилади ва асосий мазмуни топилади. Кейин биринчи гапни таҳлил қилиш керак. Таржима жараёнида инглизча-ўзбекча луғатдан ташқари мутахассисликка оид луғатлардан ҳам фойдаланиш керак.

Яна бир асосий элементлардан бири — бу таржима қилинмайдиган сўзлар (реалия) дир. Улар ўша халқнинг урф-одати, давлат тузуми ва турмуш қоидаларини кўрсатади.


Таржима пайтида фразеологик бирикмаларнинг ўзбек тилида берилиши бироз қийинчилик туғдиради: to take part — иштирок этмоқ; to hold a meeting — мажлис ўтказмоқ; a good deal of — кўп; how do you do — салом, яхшимисиз ва шунга ўхшашлар. Энг асосийси — сўз бирикмаларининг асл маъносини топишдир.

Мақолани таржима қилиб бўлгач, унга бадиий жиҳатдан жило бериш лозим. Инглизча матнга қарамасдан фақат ўзбекча таржимани ўқиб, гаплар тушунарли ва маъно жиҳатдан бир-бирига зид бўлмасликларига аҳамият бермоқ даркор. Энг охирги иш бу таржимани инглизча асл нусха билан солиштиришдир. Унда ўзбекча таржима билан инглизча асл нусха мазмунан бир-бирига мос тушиши керак.

БОШЛАНГИЧ КУРСГА КИРИШ

ФОНЕТИКАНИНГ АСОСЛАРИ

Фонетика тилдаги товушларнинг талаффузини ва оҳангини ўрганади. Товушлар нутқ органлари ёрдамида ҳосил бўлади. Нутқ органлари қуйидагилардир (расмга қаранг): I — оғиз бўшлиғи, II — бўғиз бўшлиғи (фаринкс), III — бурун бўшлиғи, IV — нафас йўли.



Нутқ органлари:

I — оғиз бўшлиғи, II — бўғиз бўшлиғи, III — бурун бўшлиғи, IV — нафас йўли.

1 — лаблар, 2 — тишлар, 3 — қаттиқ танглай, 4 — юмшоқ танглай, 5 — тил, 6 — пастки жағ, 7 — товуш пайчалари, 8 — альвеоллар-милк.

Тил шартли равишда уч қисмга бўлинади:

а) тилнинг учи (унинг олд қисми бўлиб, милк ва танглай қаршидаги тарафга жойлашган);

б) тил олди (тилнинг қаттиқ танглай рўпарасидаги қисми);

Оғиз бўшлиғи — товушларни ҳосил қилувчи асосий жойдир. Бўғиз бўшлиғи оғиз бўшлиғининг орқа қисми бўлиб, тилнинг ўзаги ва бўғиз бўшлиғининг деворлари орасидадир.

Бурун бўшлиғи — оғиз бўшлиғидан юқорида жойлашган бўлиб, ҳаво тўлқинлари у орқали ўтганда бўлинади.

Нафас йўли бўғиз бўшлиғидан (фаринксдан) пастда жойлашган.

Товуш ҳосил қилишда бевосита иштирок этувчи органлар нутқ органлари дейилади. Улар ҳаракатчан ёки ҳаракатсиз бўлиши мумкин. Биринчи гуруҳга тил, лаблар, пастки жағ, кичик тил билан юмшоқ танглай ва товуш пайчалари, иккинчи гуруҳга юқори олд тишлар, танглай (юқори тишлар орқасидаги бўртма жойлар) ва қаттиқ танглай киради.

в) тил орқаси (тилнинг юмшоқ танглай рўпарасидаги қисми).

Товуш. Товушлар ҳар хил нутқ органларининг нафас чиқариш пайтида юзага келади. Нафас оқими аввал ҳалқумга, у ердан оғиз бўшлиғи ёки бурун бўшлиғи орқали ўтади.

Агар нутқ товушини ҳосил қилишда товуш пайчалари титраса, жарангли ундош товуш пайдо бўлади, товуш пайчалари титрама-са, жарангсиз ундош товуш ҳосил бўлади.

Нутқ товушини ҳосил қилишда ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан ўтса, оғиз товуши, агар бурун бўшлиғидан ўтса, бурун товуши ҳосил бўлади.

Товушлар унли ва ундошларга бўлинади.

Ундош товушлар ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида икки хил тў-сиққа учрашидан ҳосил бўлади: **тўла тўсиқ** — нутқ органларининг жипслашуви натижасида юзага келади, **тўла бўлмаган тўсиқ** эса, жуда тор оралиқ асосида пайдо бўлади.

Ундош товушлар [т], [д] овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жаранглидир. Тўла тўсиқ кичик иортлашни эслатувчи шовқин би-лан бир лаҳзада олиб ташланиши мумкин. Бундай товушлар порт-ловчи [п], [б], [т], [д] товушлардир.

Агар тўла тўсиқ секинлик билан бетараф қилинса, ҳаво оқими тор оралиқда ҳосил бўлади. Бундай товушлар **сирғалувчи** товушлар дейилади. Масалан: [ч], [тш], [дж].

Агар товушда мусиқий оҳанг шовқиндан кўра кўпроқ бўлса, сонат дейилади. [м, й, н, р]. Ундош товушлар жарангли ва жаранг-сиз бўлади. Ҳамма сонатлар жаранглидир.

Инглиз тилидаги фонема бирикмалари фонетик транскрипция ёрдамида берилади. Ҳар бир фонеманинг ўз белгиси бор. Ўзбек фонетика транскрипция системаси инглиз тилидагидан фарқ қила-ди, шунинг учун ўқувчилар уни ёдлаб олишлари лозим. Келажакда улар луғатлардан фойдаланганларида сўзларнинг ўқилишини транс-крипция белгилари орқали ўқий олишлари керак.

Ўзбек ва инглиз ундош товушлари жарангли ва жарангсизларга бўлинади. Ўзбек тилида 25 та, инглиз тилида эса 24 та ундош товуш бор.

Инглиз тилидаги 12 та товуш ўзбек тилида бор, шунинг учун уларни талаффуз қилишда қийинчилик туғилмайди:

Таққосланг:
ўзбекча

[п] [б] [к] [г] [ш] [ж] [й] [м] [ч] [дж] [в] [ф]

инглизча

[p] [b] [k] [g] [ʃ] [ʒ] [j] [m] [tʃ] [dʒ] [v] [f]

Ўзбекча [в] англизча [v] лаб — тиш, сирғалувчи, жарангли товушлардир, талаффузда товуш пайчалари титрайди.

В. В. Решетовнинг ёзишича, [в] товуш ўзбек адабий тилида тиш ва лаб товуши бўлиб, рус сўзлари орқали кирган:¹ масалан: вагон, вальс. Шунинг учун инглиз тилидаги жарангли [v] ва жарангсиз [f] ўзбек ўқувчилари учун қийин эмас.

Қолган 6 та англизча ундош ўзбек тилидаги ундош товушлардан фақат ясалиш жойидан фарқ қилади. Ўзбек тилида улар тиш оралиғи товуши, лекин инглиз тилида улар — альвеолярдир. Тил учи тишга эмас, альвеолларга, яъни милк бўртмасига тик ҳолда қадалади, ҳаво оқими тўсиқни ёриб ўтади, англизча [t], [d], [n], [l] товушлари ҳосил бўлади. [s] [z] товушлари эса, тил учи альвеоллар (милк бўртмалари) ўртасида ҳосил бўлган ораликдан ўтади.

Инглиз тилидаги [r] товушини талаффуз этганда тил учи салгина юқори кўтарилади, ҳаво оқими тил учи билан милк ўртасидаги ораликдан ўтади. Товуш пайчалари титрайди, у жарангли товушдир. Ўзбек тилидаги [p] товуши титроқ товушдир.

Инглиз тилидаги [h], [θ], [ð], [ɔ] товушлар ўзбек тилида бўлмагани учун озгина қийинчилик билан талаффуз этилади. Бу ундош товушларни кейинги машқларда таърифлаб берамиз.

Жарангсиз ундошлар инглиз тилида кескин ва куч билан, жарангли ундошлар эса кучсиз талаффуз қилинади.

Унли товушлар ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Оғиз бўшлиғининг шакли эса тил, лаб ва пастки жағнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Уларнинг бир-бирдан фарқи оғиз бўшлиғининг ва лабларнинг шаклига боғлиқдир. Тил **орқага** ва **олдинга** ҳаракат қилади. Тил олдининг кўтарилиши натижасида тил олди унли товушлари, тил орқаси кўтарилиши билан **тил орқа** унли товушлари ҳосил бўлади.

Инглиз тилида 20 та унли товуш бор: [i:], [i], [e], [æ], [a:], [ɔ], [ɔ:], [u], [u:], [ʌ], [ə:], [ə], [ei], [ai], [ɔi], [au], [ou], [iə], [εə], [uə]. Улар **қисқа** ва **чўзиқдир** (икки нуқта товушнинг чўзиқлигини билдиради), **монофтонглар** — бир унли товушлардир. **Дифтонглар** эса иккита элементдан иборат бўлиб, талаффузда тил ўз ҳолатини ўзгартиради ва товуш тури ҳам ўзгаради.

Инглиз тилида 5 та чўзиқ, 7 та қисқа унли товуш, 12 та монофтонг ва 8 та дифтонг бор (жадвалга қаранг).

Инглиз унли товушлари:

¹ В.В. Решетов. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1965, с. 37.

МОНОФТОНГЛАР

ҚИСҚА УНЛИ ТОВУШЛАР		ЧҶЗИҚ УНЛИ ТОВУШЛАР	
[i]	[u]	[i:]	[u:]
[e]	[ʌ]	[a:]	[ə:]
[æ]	[ə]	[ɔ:]	
[ɔ]			

ДИФТОНГЛАР

[ei]	[ou]
[ai]	[iə]
[ɔi]	[eə]
[au]	[uə]

Чузиқ унлилар таранг, қисқа унлилар эса таранг эмасдир.

Ўзбек тилида 6 та унли [a], [o], [u], [ə], [y], [ʏ] бор. Бу унлилар маълум ҳолатларда чузиқ талаффуз қилиниш хусусиятига эга.

Ўзбек тилидаги унлилар инглиз тилидаги унли товушларига яқиндир. Уларни таққослаш жараёни ўқувчиларни мустақил ишлаши учун тузилган бошлангич курсга кириш кўрсатмаларида берилган.

Бўгин — ургули бирлик бўлиб, бир ёки бир қанча товушлардан тузилган бўлиши мумкин, бир пайтда у бутун сўз ҳам бўлади: [ai, hi:, mein].

Инглиз тилида унли товушлар бўгин ясовчилардир, учта ундош товуш [m, n, l] дан олдин, жарангли ундош товуш келса, улар ҳам бўгин ясайди: ['bæt], ['lit].

Ўзбек тилида бўгин ясовчи ундошлар йўқ. Бўгинни фақат унлилар ясайди: бола [бо-ла] — a child, қани [қа-ни] — where; борган [бор-ган] — gone.

Сўз бир ёки бир қанча бўгиндан тузилган бўлиши мумкин. Таъкидлаб талаффуз этилаётган бўгин бошқа бўгинларга қараганда қаттиқроқ айтилади.

Инглиз тилида сўз ургуси бирмунча эркиндир, чунки ургу ҳар қандай бўгинга тушиши мумкин ва у бўгинда белгиланади.

Ўзбек тилида эса ургу сўзнинг охирги бўгинига тушади.

Кейинги пайтда ўзбек тилига кўпгина бошқа тиллардан янги сўзлар киргани учун, уларда ургу сўзнинг ҳар қандай бўгинига тушиши мумкин.

Сўз. Бирор аниқ маъно билдирувчи нутқ бирлиги ёки бўлинмас мусиқий оҳангга эга бўлган товушлар бирлиги сўз дейилади. Кўп бўғинли сўзларда алоҳида таъкидланадиган бўғин бошқа бўғинларга қараганда кучлироқ талаффуз қилинади: interesting, communist.

Алоҳида таъкидланадиган ва таъкидланмайдиган бўғинлардан ташқари инглиз тилидаги узун сўзларда иккита бир хил кучли ажратилган бўғин бўлиши мумкин:

Бундай сўзлар: (а) сонларда ['fɔ:'ti:n], ['fifti-'siks];

б) қўшма феълларда ['kʌm'in], ['get'ʌp];

в) сифатларда ['æbsənt 'maɪndɪd]

г) айрим отларда ['a:m'tʃɛə], ['ti:'kʌp]

Айрим қўшма отларда ['ri:diŋ rum] урғу кўпинча биринчи бўғинда бўлади. Бир хил қўшма сўзларда иккита икки хил урғу бўлади: асосийси юқорига ['], иккинчи даражалиси пастга [,] қўйилади; [,revə'lu:ʃn]

Дарсликда ишлатилган фонетик белгилар

['] урғу олувчи бўғин

[,] қисман урғу олувчи бўғин

[ʌ] паст пасаювчи оҳанг

[ʊ] баланд пасаювчи оҳанг

[,] паст кўтарилувчи оҳанг

['] юқори кўтарилувчи оҳанг

[|] қисқа сукут

[ξ] жуда қисқа сукут

[↑] оҳанг кўтарилиши

[||] узун сукут

Жумла (фраза). Овоз чиқариб айтиладиган жумланинг оҳанг жиҳатидан шаклланиши ундаги урғу, ҳаяжонланиш белгилари, товушнинг кучлилиги ва талаффуз қилиш тезлигини ўзида ифодалайди.

Инглиз тилида урғу ўзбек тилидаги каби куч билан айтилади. Урғу олган бўғин мушаклар таранглашиши ва товушда талаффуз

қилиш ҳаракатининг кучайиши натижасида ҳосил бўлади. Сўз маъносига кўра ажратиладиган урғули бўғин шундай бошланади.

Талабалар қоида бўйича қайси сўзлар урғу олиши кераклигини билишлари зарур. Инглиз тилида асосан от, сифат, сон, феъл, кўрсатиш ва сўроқ олмошлари урғу олади. Инглиз тилида асосан урғу олмайдиган сўзлар ҳам грамматик маънога эга бўлади, улар: ёрдамчи феъллар, предлоғлар, боғловчилар, артиклар, кишилиқ ва эгалиқ олмошларидир. Лекин бу қоидадан ташқари, ёрдамчи ва модал феъллар умумий ёки танлов (альтернатив) сўроқ гапларида урғу олади. 'Are you a student? Сиз талабамисиз?

Сўз ва сўз бирикмаси (жумла)ни оҳанг билан шакллантириш сўзловчининг мақсад ва гаплашиш шароитига боғлиқдир. Сўзловчи ўз олдига ҳар хил мақсадни қўйиши мумкин: бирор нарса тўғрисида маълумот бериши, кишиларга бўлган воқеалар тўғрисида маълумот бериши ёки бирор нарса тўғрисида ўзи учун керакли нарсани аниқлаши (умумий ёки танлов сўроқ гапларида) мумкин.

Ҳошиш сўзловчининг асосий мақсадидир, у оҳанг ёрдамида бўйруқ бериши ёки илтимос қилиши мумкин (кейинчалик бу тўғрисида гапирамиз. Ўзаро мулоқот эса расмий, норасмий, ҳайратланиш билан, нейтрал (бепарво) ёки ўта ҳаяжон билан бўлиши мумкин.

Жумланинг оҳанг тузилиши шкаладан иборат бўлади, яъни унинг асосий қисмини урғу мелодик шаклланишидан, охириги терминал оҳанг ва баъзи пайтларда бошланғич урғусиз бўғинлардан ташкил топади.

Масалан:

He is a

шкала олди

'member of the mathe'matical

шкала

,club

терминал
оҳанг

Инглиз тилида худди ўзбек тилидек иккита асосий оҳанг бор: пасаяувчи [\] ва кўтарилувчи [/].

Пасаяувчи оҳанг тугалланган маънони ва тасдиқни англатади. Кўтарилувчи оҳанг тугалланмаган фикрни, шубҳа, қатъийсизлик ва эътирозни бирдиради.

Илмий тажрибамизнинг хулосаларидан кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тилидаги гап оҳанглари солиштирганда уларда жуда кўп ўхшашликлар бор. лекин айрим пайтда ўхшамаслик то-

монлари ҳам мавжуддир (Бу ҳақда бошланғич курсга кириш қисмида берилган).

Ушбу дарсликнинг машқларида инглиз тилида жуда кўп қўлланиладиган аста-секинлик билан пасайиб борувчи шкала ишлатилган.

А Л Ф А В И Т

Инглиз ҳарфлари ва уларнинг номи

Босма ҳарф	Ҳарфларнинг номи транскрипцияда		Босма ҳарф	Ҳарфларнинг номи транскрипцияда	
	инглиз тилида	ўзбек тилида		инглиз тилида	ўзбек тилида
Aa	ei	эй	Nn	en	эн
Bb	bi:	би	Oo	ou	уу
Cc	si:	си	Pp	pi:	пи
Dd	di:	ди	Qq	kju	кью
Ee	i:	и	Rr	a:	а
Ff	ef	эф	Ss	es	эс
Gg	dʒi:	жи	Tt	ti:	ти
Hh	eɪtʃ	эйч	Uu	ju:	ю
Ii	ai	ай	Vv	vi:	ви
Jj	dʒei:	жэй	Ww	dablju:	дабл ю
Kk	kei	кэй	Xx	eks	экс
Ll	el	эл	Yy	wai	вай
Mm	em	эм	Zz	zed	зэд

LESSON 1

Дарс мавзуси. Бошлангич суҳбат. Нутқ товушларининг ҳосил бўлиши. Ундош ва унли товушлар, транскрипция. Бўгин. Сўз. Пасаяовчи оҳанг. Товушлар. Унли ҳарфларнинг ўқилиши.

I тур бўгинда унли ҳарфлар алфавитдагидек ўқилади:

[ei, ai, ou, i:, ju]

II тур бўгинда унлилар қисқа ўқилади [æ, i, ə, e, ʌ]

Ундош ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг ўқилиши:

Инглиз ундош товушлари:

p, b, k, g, t, d, m, n, l, θ, ð, h, f, tʃ, dʒ, ʒ, j, s, z.

Ўзбек ундош товушлари:

п, б, к, г, т, д, м, н, л, — — х, ш, ч, дж, ж, й, с, з.

Грамматика. От. Артикль. Курсатиш олмошлари

I-фонетик машқ. (ФМ) (Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

I-тур бўгинда унли ҳарфлар алфавитдагидек ўқилади.

[ei]	[ou]	[ai]	[i:]	[ju:]
gave	go	fine	she	tune
берди	юрмоқ	гузал	у (аёл)	оҳанг
made	phone	nine	Pete	student
бажарди	телефон	тўққиз	Петя	талаба
take	joke	time	me	huge
олмоқ	ҳазил	вақт	менга	баҳайбат
date	those	like	these	music
сана	ушалар	ёқтирмоқ	булар	муסיқа

Ўқитувчи талабаларга товуш ва бўгинларнинг ўқилишини тушунтириб беради, ҳаммалари биргаликда жўр бўлиб қайтарадилар. Ўқитувчи ҳар бир талабани алоҳида текширади (хатоларини кўрсатади, қандай қилиб тўғри талаффуз қилишни тушунтиради). Талабалар сўзларни икки қатордан ўқийдилар, охириги икки қаторини албатта ҳаммалари ўқишлари лозим, чунки унда фақат инглиз тилида учрайдиган [ð] товушли сўзлар бор. Сўзларни аввал вертикал, кейин горизонтал бўйича ўқинг.

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 1-машқга кўрсатма

[t, d, n, l] товушларини юқорида айтилганидек талаффуз қилинг. Улар ўзбек тилидагидек тиш товуши эмас, аксинча тиш орқасидаги бўртма (альвеол) товушларидир. Тилингизни учини тиш орқасидаги милк бўртмаларга қўйиб, кескин талаффуз этинг. th [θ ва ð] тиш оралиғи товушларидир. Бу товушларни талаффуз этаётганда лабларингизни устки ва пастки тишларнинг қирраси кўринадиган даражада очинг, тил ёйиқ ва унинг учи тишлар орасидан аста-секин чиқарилади; тилнинг ён томонлари тишнинг ён томонларига тегиб туради. Ҳаво оқими тил учи билан устки тишлар орасида ҳосил бўлган оралиқдан ўтади; [ð] товуши жаранглидир, худди ари учаётган товушни эслатади. [θ] товуши жарангсиз, товуш зўрға эшитилади, ҳаво оқими кучли ўтиши керак. [ði:z] сўзини талаффуз этганда тил учи тишлар орасидан тезда тишлар орқасига [z] га ўтиши зарур ва тил кўринмаслиги керак. Ўз-ўзингизни текшириш учун ойна ишлатинг ва [ð ouz] сўзини ҳам машқ қилинг.

Инглиз тилидаги [l] товуши сўз охирида ёки ундошдан олдин келса қаттиқ, унлидан аввал келса юмшоқ айтилади: late [leit], mule [mju:l]. Ўзбек тилида [л] товушидан аввал унли келса, у юмшоқ айтилади: кел, бел, фол. Лекин инглиз тилида сўз охирида [l] товуши ҳаммавақт қаттиқ айтилади.

Тил олди унли товушлари [i:, i, e, æ, ei, ai] да тил олдинга ҳаракат қилади, тил учи пастки тиш асосига тегизилади.

Агар [p, t, k] товушларидан кейин ургули — унли товуш келса, [h] нафас товуши бўлиб талаффуз қилинади: [p^h, t^h, k^h] яъни ундош товуш унли товушдан нафас билан ажратилиб талаффуз қилинади: [t^haim]. **Жарангли** ундош товушларни кучли, айниқса сўз охирида шиддатли талаффуз қилинг. Кучсиз жарангли [s, ʃ, p, t, k] товушлардир. Айниқса [b, d, g, z] товушларини талаффуз қилганда улардан кейин [ə] товушини ишлатманг: [gaid, meid].

Инглиз унли товушлари [i:, u:] ни ўзбек [и, у] товушларига қараганда **кучли ва чўзиброқ талаффуз** этиш керак. [ei] ва [ai] ўзбек тилида қаттиқ овоз билан ундов, хитоб ва чақириқларда ишлатилади. “Ҳей, бу ёққа юринг!” ёки “Вой, мен қўлимни куйдириб олдим”. Ҳамма инглиз дифтонглариининг биринчи қисми **кучли ва чўзиқ**, иккинчиси эса, **астароқ** ва **қисқа** айтилади. Дифтонг [ou] ўзбекча [у] товушига тўғри келади ва унга [y] товуши қўшилади [yy].

Ҳамма сўзларни **пасаювчи оҳанг** билан талаффуз қилинг, у қатъий ва кучли эшитилиши лозим.

2-машқ. (Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

II тур бўғинида унлилар қисқа ўқилади.

[i]	[e]	[æ]	[ʌ]	[ɔ]
quickly	bed	bad	jug	dog
тез	каравот	халта, сумка	кўза	ит
thin	men	man	sum	on
озини	эркаклар	эркак	йиғинди	устида
this	then	that	shut	hot
бу	сўнг	ўша	ёпмоқ	иссиқ

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 2-машққа кўрсатма

Инглиз тилидаги қисқа унлиларни бўлиб-бўлиб айтинг. Улар қисқа эшитилиши лозим. Инглизча [i] товуши бироз [e] товушига ўхшайди ва эшитилишича ўзбекча [и] товушига ўхшаш, инглизча [e] ўзбекча [e] га тўғри келади, [æ] товуши ўзбекча [a] га қараганда оғизни каттароқ очиб, лабларни худди табассум қилгандек қилиб талаффуз қилинади: мана латта. Оғзингизни қандай очганингизни ойина билан текширинг. Бу товушни талаффуз этаётганда тил учи пастки тишлар асосига тақалади, жағ эса пастга тушади. Инглизча [ʌ] товуши ўзбекча [a] га ўхшайди. Уни қисқа, оғизни унчалик очмасдан талаффуз этилади. Ўз хислатига кўра [ʌ] товуши ўзбекча чуқур тил орқа товушлари [қ, ғ, җ] билан ишлатиладиган [a] товушига ўхшаш: қани, қандай, ҳамма, Фани.

Инглизча [ɔ] салосига кўра ўзбекча [o] товушига яқин. Бу товушни талаффуз этиш пайтида тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томонга сал кутарилади, лаблар қимирламайди, тил учи пастки тишлар асосидан орқага тортилади, пастки жағ орқа томонга тортилади ва пастга туширилади. Ойнага қаранг ва паст овоз билан товушни талаффуз этинг.

Инглизча [h] “нафас чиқариш” товуши бўлиб, томоқда товуш пайчаларининг яқинлашишидан ҳосил бўлади. Ҳаво оқими оралиқдан шовқинсиз ўтади: hot.

Агар бўғин унли ҳарф билан бошланса, уни алоҳида ажратиб кучли айтиш лозим. Ушбу курсда бўғин яшашни ўқувчилар ҳамма оғзаки машқларда ишлаб чиқишлари лозим.

Инглизча [u] эшитилишига кўра ўзбекча [y] ва [o] товушларининг ўртасидадир.

Ўқиш қоидалари

Жадвалдаги қоидаларни ўқитувчи билан таҳлил қилиб ўқиб чиқинг. Сўзларни ёдланг.

Ундош ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг ўқилиши

Ҳарфлар ва ҳарф бирикмалари		Ўқилиши	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
g+	а, о, и ва ундош	[g]	gas (газ), got (олди), guide (таржимон) “и” ҳарфи ўқилмайди. grey (қуланг), globe (глобус), glass (ойна)
g+	и, с, у	[dʒ]	gipsy, general, gym дули, генерал, гимнастика зали.
c+	и, е, у унлилардан олдин	[s]	center (урта), re cite (ёддан ўқиш), cinema (кино), cycle (давр)
	а, о, и ва ундошлардан олдин	[k]	cat (мушук), con nect (боғламоқ), cup (чашка), become (булмоқ). fact (далил), factory (фабрика), doctor (доктор).
s	сўз бошида ва ундошдан кейин	[s]	spend (сарф қилмоқ), lists (рунхатлар)
	унлилар орасида, унлидан ва жарангли ундошдан кейин	[z]	beds (каравотлар), please (марҳамат).
x	ундошдан олдин ва сўз охирида	[ks]	text (матн), next (кейинги)
	урғули унлидан олдин	[gz]	exham (имтиҳон), exact (аниқ).
	ck	[k]	black (қора), ticket (чинта)
	ch	[k]	chemist (кимёгар), epoch (давр).
		[tʃ]	chop (котлет), cheese (пишлоқ), children (болалар)
	sh	[ʃ]	ship (кема), shop (дукон), shelf (жавон).

Ҳарфлар ва ҳарф бирикмалари	Ўқилиши:	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
ph	[f]	,telephone (телефон), ,physics (физика), ,phrase (жумла).
qu	[kw]	,quite (етарли), ,quiet (осойишта), ,quickly (тез).
th	[ð]	,this (бу), ,these (булар), ,that (уша), ,those (ушалар), ,they (улар).
	[θ]	,three (уч), ,third (учинчи), ,thirst (сувсалоқ).
ng	[ŋ]	,long (узун), ,bring (олиб келмоқ)

Ўқиш қоидаларига машқлар

Қуйидаги сўзларни ўқинг (унли ҳарфларнинг қисқа ўқилиши): **must** (мажбур), **bed** (сури), **had** (бор эди), **French** (фаранги), **sixth** (олтинчи), **sand** (қум), **sum** (йигинди), **ship** (кема), **can** (қила олмоқ), **comrade** (ўртоқ).

Қуйидаги сўзларни ўқинг (унли ҳарфларнинг алфавитдагидек ўқилиши):

late (кеч), **die** (ўлмоқ), **tube** (мўри), **China** (Хитой), **slave** (қул), **fame** (шуҳрат), **cube** (куб), **go** (бормоқ).

Кўрсатилган товуш билан ўқиладиган сўзларни топинг:

[θ]	,they,	,thank	,three	,then	,tenth	,this
	улар	рахмат	уч	кейин	унинчи	бу
[tʃ]	,each	,fish	,much	,which		
	ҳар	балиқ	кўп	қайси		
	бир					
[dʒ]	,page	,gap	,gun	,gin		
	бет	бўш	милтиқ	жин		
				(ичимлик)		

[s]	has	bags	rice	cent	dress	
	бор	халталар	гуруч	сент	куйлак	
[ʃ]	she	chin	wish	check	chat	fresh
	у	жағ	ҳохла-	текшир-	гап	янги
	(аёл)		моқ	моқ	сот- моқ	

Грамматика: От артикль

Инглиз тилида одатда оддан аввал артикль ишлатилади. Артикль бу ёрдамчи сўз бўлиб, отнинг белгиларидан биридир. Артиклда келишик, род, бирлик ва кўплик шакллари йўқ. Фақат икки хил артикль бор — ноаниқ ва аниқ.

Ноаниқ артикль (a, an) фақат бирликда ишлатилган от олдида қўйилади. Бу артикль бир хил предметлар ичидан бирини ёки қандайдир бирортасини англатади: **Take a map.** Картани (жўғрофия картасини) олинг (карталар ичидан бирорта картани, биттасини олинг).

Ундош ҳарф билан бошланган от олдида ноаниқ артикль **a**, унли билан бошланган от олдида **an** шакли ишлатилади: **a table** — стол, **an apple** — олма.

Артиклар **[a, an]** гапда урғу олмайди, кейинги сўз билан биргаликда ўқилади: **a table** [ə'teɪbl], **an apple** [ən'æpl].

Аниқ артикль the аслида бу, ўша деган маъноларни билдириб, авваллари кўрсатилган отлардан олдин ишлатилади. У бир қанча предметлар ичидан алоҳида биттасини ажратиб кўрсатади ва отларнинг бирлик ҳамда кўплик формаларидан олдин қўйилади. Бу артикль **the**, гапда урғу олмайди, кейинги сўз билан биргаликда ўқилади: **the pen** [ðə'pen] ручка; унли ҳарф билан бошланувчи от олдида **[ði]** деб талаффуз қилинади: **the apple** [ði'æpl] олма.

Ўзбек тилига артикль таржима қилинмайди.

Take a pen — (бирорта, қандайдир) Ручкани олинг.

Take the pen — (шу) Ручкани олинг.

Агар оддан олдин сифатдан ясалган аниқловчи келса, артикль сифатдан аввал қўйилади: **a bad pen** [ə'bad,pen], **the big black box** [ðə'big blæk,bɒks].

Қуйидаги саволларга жавоб беринг

Қайси сўз олдида артикль қўйилади?

қора, яхши, китоб, юрмоқ.

Қайси сўз ёки сўз бирикмасидан олдин ноаниқ артикль **an** қўйилади?

table, old shelf, box, map.

Қайси сўз олдидан ноаниқ артикль туширилиб қолдирилади?

table, pen, newspaper, students.

Қайси сўз олдидан аниқ артикль [ði] деб ўқилади?

arm, shelf, farm, box.

Артикль қаерда туриши керак?

1 new ... interesting film; 2 ... new interesting film; 3 new interesting ... film.

Қайси гапда “китоб” сўздан олдин аниқ артикль қўлланилиши керак?

1. Мен китоб сотиб олдим. 2. Бу қизиқ китоб. 3. Китоб-жавонда.

Қайси гапда “ойнома” сўздан олдин ноаниқ артикль қўллаш керак?

1. Ойномани олма! 2. Мен қизиқ ойнома уқияпман. 3. Ойнома қизиқ. 4. Ойнома йуқолди.

Қайси гапда мақолалар сўздан аввал аниқ артикль қўлланилади?

1. Мақолалар катта қизиқиш уйғотди. 2. У ҳар хил мақолалар ёзди. 3. Мен қисқа мақолаларни яхши кўраман.

Артикль ишлатилмайди:

1. Атоқли отлар олдидан: **Moscow, England, Mary, Pete.**

Лекин айрим жүғрофий номлар олдидан аниқ артикль ишлатилади: **the United States** — Қўшма Штатлар, **the Volga** — Волга, **the Black Sea** — Қора денгиз.

2. От олдидан кўрсатиш ёки эғалик олмошлари келса: **my box, that box.**

3. Молдаларни ва мавҳумликни билдирувчи отлар олдидан:

I like music

Мен мусиқани севаман

Water is necessary for life

Сув ҳаёт учун зарур

Лекин худди шу отлар муайян, аниқ маънони билдирса, аниқ артикль билан ишлатилади.

The water in the river is cold. Дарёдаги сув совуқ.

4. От олдидан сон турса артикль ишлатилмайди (бет, боб, дарсни кўрсатса):

lesson five — бешинчи дарс.

5. Йил фасллари, ойлар, ҳафта кунлари, кучалар номи, олдидан ва **no** (йўқ) сўздан аввал, кагга ҳарф билан ёзилувчи унвонлар олдидан артикль ишлатилмайди.

in December — декабрда, **on Monday** — душанбада, **Professor Black** — профессор Блейк, **Gorky Street** — Горький кўчаси, **Fifth Avenue** — Бешинчи Авеню.

He has no book — Унинг китоби йўқ.

Куйидаги саволларга жавоб бериш

Қайси сўз олдидан артикль ишлатилмайди? шаҳар; қиз бола; Пулат; дўст.

Қайси давлатнинг олдидан аниқ артикль ишлатилади?

Italy, United States of America; Iran; Turkey.

Қайси от артикльсиз ишлатилиши мумкин? table, book, town, air.

Қайси ганда моддани англатувчи от олдидан аниқ артикль ишлатилади? Сут фойдали; Хонадаги ҳаво тоза; Қуёш, ҳаво ва сув — бизнинг қалин дўстимиз. Темир — қаттиқ металл.

Кўрсатиш олмошлари

Кўрсатиш олмошлари бирлик ва кўплик шаклларига эга:

бирлик

кўплик

this [ðis] бу

these [ði:z] — булар

that [ðæt] уша, анови

those [ðouz] ўшалар, ановилар

This ва **these** олмошлари нарсалар сўзловчига яқин бўлса, **that** ва **those** эса нарсалар сўзловчидан узоқда бўлса ишлатилади.

Уй вазифаси

Кўрсатма ва фонограммалар ёрдамида 1 ва 2- машқларни тайёрланг. Талаффуз устида ишлаб сўзларни ёдланг. Босма ҳарфлар билан 1 ва 2- машқларни кўчиринг. Мустақил ишлаш учун кўрсатмаларни, ҳарф ва ҳарф бирикмалари ўқилишини ўрганинг.

LESSON 2

Дарс мавзуси: Умумий сўроқ гапда оҳангнинг ифодаланиши. Пасаювчи босқичли шкала (жадвал). Жумла урғуси. Жумла ва паузада мушқий ургунинг график тасвирланиши. Ритмнинг (вазнинг) сўз ва жумла урғусига таъсири. Кўтарилиш ва пасаювчи оҳангнинг ишлатилиши. Инглиз ундош товуши: [f]. Ўқиш қоидалари: 3, 4, 5, ФМ. III-тур бугин, ҳарф бирикмаларининг ўқилиши.

Грамматика. **To be** феъли **Indefinite Tense** — да. Инглиз тилида дарак гапда сўз тартиби. **The Present Indefinite Tense.** Умумий сўроқ гапнинг тузилиши. Буйруқ майли. Кишилиқ олмошлари. **In, to, by** предлоғлари. Саноқ ва тартиб сонлар.

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун

3-машққа кўрсатма

Оиланинг дўсти ҳақида. Диалогни график тасвирланган тонограмма ёрдамида ифодали ўқинг. Тонোগраммада тире (чизик) урғу олган бўғинни, **нуқталар** эса урғу олмаган бўғин ёки сўзни билдиради. Оҳанглар **ёйсимон** график шаклда: кўтариловчи оҳанг пастдан юқорига **ёйсимон**, пасаювчи — юқоридан пастга, пауза — тўғри вертикаль чизикда берилади. Паст ва баланд тонограммани кўрсатиш учун юқоридан ва пастдан горизонтал чизиклар чизилади. Инглиз тилида жумла ичидаги оҳанг ўзбек тилидагига мос келади. Аста-секин пасаювчи босқичли жадвал инглиз тилида жуда кўп қўлланилади.

Аста-секин пасаювчи шкалада биринчи ургули бўғин энг юқори сатҳда, ундан кейингиси пастроқда, лекин урғу олмаган бўғинлар урғу олган бўғинлар билан бир қаторда келиб терминаль оҳанггача поғонама-поғона бўлиб пасайиб келади.

3- машқ ўқитувчи билан биргаликда бажарилади

'Is Vivy 'eigh ,teen? ,Yes, she ,is.

'Is Pete e,leven? ,No, he ,isn't

'Pete is'only ,ten.


'Is Mrs, 'Kent fifty-nine?

,No, she ,isn't. She is 'sixty-eight.

'Does Bob 'speak French ,well?

,No, he does ,not.

He 'speaks ,Russian,well.



Таржимаси:

Виви ўн саккиздами? Ҳа. Петя ўн бирдами? Йўқ. Петя фақат ўнда. Миссис Кент эллик тўққиздами? Йўқ. У олтиш саккизда. Боб фарангча яхши гапирадими? Йўқ. У русча яхши гапирди.

Жумладаги урғу — оҳанг тузилиши учта омилдан иборат: 1) тил қоидаларида бор бўлган жумла урғуси унинг қайси сўз туркумига мансублигига қараб, улар ҳар хил тилларда турлича бўлиши мумкин; 2) жумланинг асосий мазмунига, уни қандай шароитда айтилишига қараб; 3) ажратилган бўғинларни **бир хил вақт оралиғида**, вазнга қараб тузилади. Шундай қилиб вазн (ритм) жумладаги

урғунинг бошланиши бўлиб, **уни бир хил вақт ичида айтилишини таъминлайди.**

Учинчи машқни ўқиётганингизда урғу белгиси қўйилган сўзларга алоҳида эътибор беринг. Жумла урғуси қондасига кўра инглиз тилида атоқли ва турдош отлар, сифатлар, сонлар урғу олиши керак, лекин 3-машқда вазн таъсирида улар урғуни йўқотадилар: **Vivy, Pete, Mrs, Bob, fifty.**

Охири жумлада **well** равиши жумла урғусини йўқотади, чунки шу вазиятда янги маълумотни **speaks Russian** ифодалайди, **well** эса ҳаммага аввалдан маълум нарсани англатади.

Ажратилган бўғинлар аста-секин пасаювчи оҳанг билан бир текисда талаффуз этилиши учун қўлингиз билан столга бир вазнда (ритм) уриб туринг.

Ўзбек ўқувчилари учун қийин бўлгани бу энг охири урғули бўғиннинг талаффуз даражасидир.

Таққосланг:

	Ўзбекча	Инглизча
1. 'Виви ўн саккиз/дами? ' Is Vivy 'eigh, teen?		
2. 'Петя ўн бир/дами? ' Is Pete e,leven?		

Умумий сўроқ гапнинг тузилиши ва оҳангини инглиз ва ўзбек тилида солиштирганда иккала тилда ҳам у кўтарилувчи оҳанг билан ифодаланар экан. Лекин фарқи шундаки, инглиз тилида кўтарилувчи оҳанг паст сатхдан бошланади, ўзбек тилида эса бирданига кўтарилувчи сатхдан бошланади. Шунинг учун бундай сўроқ гапларни биргаликда жўр бўлиб, кейин эса ўзингиз алоҳида талаффуз этинг.


Дадилик ва ишонч билан айтилган жавоблар (қатъий, узил-кесил хабарлар, арзлар) пасаювчи оҳанг билан талаффуз қилинади. (3-машққа қаранг).

4- машқ.

1. 'Don't take the 'stone		Тошни олма
2. 'Give it to Stephen		Уни Степанга бер (буйруқ)
3. 'Don't take the , stone		Тошни олма (илти- мос)

4. 'Give it to, Stephen

5. 'Can they 'play
, chess?
, Yes, they , can



Уни Степанга бер
(илтимос)

Улар шахмат уй-
най оладиларми?
Ҳа

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 4-машққа кўрсатма

Ўзбек тилидаги инкор (1-гап), буйруқ (2-гап) ва илтимосни ифодаловчи гаплар пасаювчи оҳанг, инглиз тилида эса, инкор ва буйруқда пасаювчи, илтимос эса кўтариловчи оҳангда берилади. (3-4 гаплар). Илтимосни мулоим товуш билан кўтариловчи оҳангда ўқинг. Буйруқ ва инкорни англатувчи жумлаларни қатъийлик, дадиллик билан, сўзсиз бажарилиши кераклигини англатиб талаффуз қилинг. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 1, 2 ва 3, 4-гапларнинг грамматик тузилиши бир хилда буйруқ майлида берилган, лекин асосий мақсади ҳар хил. Асосий мазмун — илтимос ёки буйруқни оҳанг кўрсатади.

4-машқдаги товушлар устида ишлаётганингизда [p, t, k] лардан олдин [s] товуши турган бўлса, [h] нафас товуши ишлатилмайди: — [sp-, st-, sk-]. Машқлар устида ишлаганда магнитофондан фойдаланинг, диктордек талаффуз этишга ҳаракат қилинг, товуш чиқариб ўқиётганингизда кўлингиз билан столга уриб, вазнини сақланг.

5-машқ

III тур бўғин (унлиларнинг чўзиқ ўқилиши).

[a:]	[ɔ:]	[ə:]
,far	,for	,her
узоқ	учун	унинг (аёл)
,farm	,storm	,girl
ферма	бўрон	қиз
,park	,short	,burn
боғ	калта	ёндирмоқ

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 5-машққа кўрсатма

Инглиз [a:] товуши ўзбекча (қ, х, ғ) дан аввал келадиган [а] товушига ўхшашдир. Шунинг учун тил орқароққа тортилади, тилининг орқа қисми юқорига кўтарилади, жағ ўртача пастга туширилади. Бу товуш ўзи доим урғу олгани учун уни паст овозда талаффуз этинг. Оғзингизни катта очманг, чунки унда тил олдинга ҳаракат қилиб қолади. Товушни ўзини бир неча бор талаффуз қилинг, сўнг сўзларни ўқинг.

Инглизча [f] товуши билан бошланадиган сўзларда пастки лабингизни юқори тишларингизга яқинлаштиринг, ўзбекча [ф] лаблаб товушидир. Шунга эҳтиёт бўлиб, ойнакка қараб нафасни шиддат билан юқори тиш ва пастки лаб орасидан чиқаринг.

Инглизча [ɔ:] товушида тилингизни орқага тортиб, товушни тил орқасида айтинг. Бу товуш ўзбекча [о] га ўхшаш, лекин инглизчасини чўзиб, лабларингизни қимирлатмасдан паст овоз билан талаффуз этинг. Сўзларни ўқитганингизда охириги жарангсиз ундошларни куч билан айтинг.

Инглизча [ə:] товушини талаффуз қилаётганингизда товушнинг бошланиши [ou] дифтонгига ўхшаш ёки ўзбекча [ў] га ўхшайди. Лабларингизни чўзманг, қимирлатманг. Girl [gə:l] сўзини айтганда ўзбекча [ў] товушидан аввал инглизча [e] товушини қўшиб айтинг.

Ўқиш қоидалари

Қуйидаги жадвални ўқитувчи ёрдамида тушунинг ва ўқиб чиқинг. Сўзларни ёдланг.

Ўқилмайдиган ундош ҳарфлар

Ҳарфлар	Талаффузи	Ўқитувчи билан ишлаш учун мисоллар
		Сўз бошида
k+n	[-n]	、knife (пичоқ), 、know (билмоқ), 、knock-out (нокаут)
w+r	[-r]	、write (ёзмоқ), 、wrong (нотўғри), 、wrote (ёзди)
w+h	[-h]	、who (ким), 、whose (кимнинг), 、whom (кимни), 、whole (ҳаммаси, бутун)
h	—	、honest (ростгўй), 、honour (шон-шараф), 、hour (соат)

Сўз ўтрасида		
-h-	—	,when (қачон), ,white (оқ), ,what (нима), ,why (ни- мага)
-w-	—	,answer (жавоб), ,two (икки), ,knowledge (билим)
-t-	—	,listen (эшитмоқ), ,often (тез-тез)
-al-	[a:]	,calm (тинч), ,half (ярим), ,palm (кафт)
-alk-	[ɔ:k]	,chalk (бўр), ,walk (яёв)
-igh-	[ai]	,might (қила олмоқ), ,light (ёруғ), ,fight (кураш- моқ)
-eigh-	[ei]	,eight (саккиз), ,weight (оғирлик)
Сўз охирида		
-gh-	—	,high (баланд), ,through (оралиқ)
-m+b n	[m]	,climb [klaɪm] (юқорига тирмашиб чиқмоқ) ,bomb (бомба), ,column (қатор)

Ўқиш қоидалари учун машқлар:

Куйидаги сўзларда унли ҳарфларни қисқа ва алфавит тарзида ўқинг:

а) ,neck — бўйин, ,match — гугурт, ,film — фильм, ,pencil — қалам, ,brush — чўтка, ,fifth — бешинчи, ,land — ер, ,get — олмоқ, ,sun — кۈёш.

б) ,miner — кончи, ,take — олмоқ, ,smoke — чекмоқ, ,pen — ручка, ,try — ҳаракат қилмоқ, ,huge — баҳайбат, ,but — лекин, ,phone — телефон қилмоқ, ,five — беш.

с) ,March — март, ,port — порт, ,third — учинчи, ,sport — спорт,

burn — ёндирмоқ, branch — шохобча, farm — ферма, firm — фирма, birth — туғилиш.

Қуйидаги сўзларни ўқинг ва ўқилмайдиган ундош ҳарфларни айтиб беринг:

hour — соат, wreck — авария, write — ёзмоқ, while — ўша пайтда, whom — кимга, wrong — нотўғри, knee — тизза, straight — тўғри, текис, debt — қарз, bomb — бомба.

Грамматика: To be феъли Indefinite Tense да

Бўлмоқ, бор бўлмоқ маъноларини англатиб, ҳозирги, ўтган ва келаси замон шаклларига эга:

Present Indefinite	Past Indefinite	Future Indefinite
I am	I was	I shall be
he is	he was	he will be
she is	she was	she will be
it is	it was	it will be
we are	we were	we shall be
you are	you were	you will be
they are	they were	they will be

Сўроқ гапда **to be** феъли эгадан аввал қўйилади.

Is he a student? У талабами?
 Was he a student? У талаба эдими?
 Will he be a student? У талаба бўладими?

Бўлишсиз гапда **not** юқламаси **to be** дан кейин қўйилади.

He **is not** a student У талаба эмас
 He **was not** a student У талаба бўлган эмас
 He **will not** be a student У талаба бўлмайди

He **isn't** a student
He **wasn't** a student
He **won't** be a student

(Оғзаки нутқда қисқа айтилади)

Куйидаги саволларга жавоб беринг

Гапда феълнинг қайси шаклини қўлаш керак?

“We ... in the classroom” (am, is, are)

“Yes, it was” жавоб қайси саволга тўғри келади?

1. Was the classroom big? 2. Was he a student? 3. Was she in Moscow?

Are they at the Institute? гапига қайси жавоб тўғри келади?

1. Yes, we are. 2. Yes. I am. 3. Yes, they are.

Нуқталар ўрнига **to be** феълнинг керакли шаклини қўйинг, пайт холи (yesterday [ˈjɛstədi] — кеча, last year [laːst ˌjɪə] — ўтган йили, next year [ˈnekst.jəː] — келаси йили сўзларига аҳамият беринг)

1. I ... an engineer	am
2. We ... students	is
3. He ... a teacher	are
4. It ... Friday yesterday	were
5. They ... students last year	was
6. You ... a student next year	will be

Инглиз тилидаги дарак гапда сўз тартиби

Инглиз тилидаги гапда сўзларнинг ўзаро боғланишида қўшимчалар кўп бўлмагани учун гапда маъно сўз тартиби ва предлоглар асосида берилади. Инглиз тилида сўз тартиби қатъийдир, ҳар бир гап бўлагининг ўз ўрни бор.

The students study these plans.

Талабалар бу режаларни ўрганадилар

Агар инглизча гапдаги сўзларнинг ўрнини алмаштирсак, маъносиз гап тузилади.

Инглиз тилидаги дарак гапда сўз тартиби:

0	I	II	III тўлдирувчи			IV
			Пред-логсиз восита-ли	Туғри	Пред-логли воси-тали	
in this room every day	We	study	us	mathe-matics	to Pete	in this room every day
	He	gives		lessons		
	She	reads		her notes		

Жадвалдаги гапларнинг кесими The Present Indefinite (Ноаниқ ҳозирги замон)да берилган. Бу замон иш-ҳаракатни доим такрорланиб туришини ва доимий бўлиб турадиган ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди. The Present Indefinite Tense нинг бўлишли шакли барча шахслар учун (3-шахс бирликдан ташқари) феълнинг асосий шаклидан тузилади. 3-шахс бирликда феъл негизига -s ёки (-es) қўшилади.

He **speaks** English

У инглизча гапиради.

Гапларнинг сўроқ ва бўлишсиз шакли ёрдамчи феъл **do** билан ясалади, III шахс бирликда **does** ишлатилади. Гапдаги асосий феъл ҳамма шахсларда ҳам **to** юклагаси тушириб қолдирилган инфинитив шаклида бўлади.

Does he speak English? (сўроқ шакли). He **does not (doesn't) speak** English (бўлишсиз шакли). (Indefinite Tenses ҳақидаги тула маълумот учун асосий курсга қаранг).

Қуйидаги машқларни бажаринг

Қуйидаги сўзлар ёрдамида сўз тартиби қондасига амал қилиб дарак гаплар тузинг:

1 books, puts, she, the table, on

2 books, to read, by Russian writers, likes, he

3 mathematics, study, in this room, we, every day

Қуйидаги гаплардаги гап булакларини аниқланг, бўлишли гапда сўз тартиби бўйича сўзларни жадвалга жойлаштиринг:

0	I	II	III	IV
Хол ёки аниқловчи	Эга	Кесим	Тўлдирувчи	Ҳол

1. Every day he goes there by bus.
2. Most of the students take an active part in social life.
3. Our University trains specialists for different branches of industry.

Умумий сўроқ гапнинг тузилиши

Умумий сўроқ гапда савол бутун гапга берилади. Унда сўз тартиби ўзгаради; гап ёрдамчи феъллардан бири **be, have, do** ёки модаль феъллар **can, may, must** билан бошланади.

0	I	II	III	IV
Ёрдамчи феъл	Эга	Кесим	Тўлдирувчи	Ҳол
1. Do 2. Does	you he	like live	music?	in Kiev?

Умумий сўроқ гапга қисқа жавоб берилади.

1. Yes, I do.
2. No, he doesn't.

Кишилиқ олмошлари

Инглиз тилидаги кишилиқ олмошларида иккита келишиқ бор: бош ва объект келишиги. Кишилиқ олмошлари бош келишиқда эга, объект келишиқда эса тўлдирувчи бўлиб келади **I** (эга) **like him** (тўлдирувчи).

Кишилик олмошларини эсда тутинг:

Сон	Шахс	Кишилик олмошлари	
		Бош келишик	Объект келишик
Бирлик	1. 3.	I — мен he, she, it — у	me — менга, мени him, her, it — унга, уни
Кўплик	1. 2. 3.	we — биз you — сиз they — улар	us — бизга, бизни you — сизга, сизни them — уларга, уларни

Буйруқ майли

Буйруқ майли буюриш, маслаҳат, илтимос каби маъноларни англатади ва инфинитив **to** юкламасисиз ишлатилади.

Go — Бор (инг)!

Take the book — Китобни ол(инг)!

Буйруқ майлидаги феъл олдидан келган **do not** қисқартирилган **don't (don t)** бўлишсизликни англатади.

Do not (don't) take the pen. Ручкани олма!

Do not (don't) smoke; Чекма!

Буйруқ майли I ва III шахсда (бирлик ва кўпликда) **let** + олмош (от) + инфинитив бирикмаси ёрдамида ҳам берилиши мумкин.

Let me go. Кетишга рухсат беринг.

Let her take the bag. У сумкани олсин.

Let кўмакчи феъли олдидан келган **do not (don't)** таъқиқни англатади.

Don't let him do it. У буни қилмасин.

Don't let the boy go. Бола бормасин.

Қуйидаги машқларни бажаринг

Буйруқ майли қайси гапда ишлатилган?

1. Go home at 5 o'clock
2. I shall go home at 5 o'clock.

“Келинлар, бу қийин матнни ўқиймиз!” гапининг таржимасини топинг.

1. Read this difficult text.
2. To read this text is difficult.
3. Let us read this difficult text.

“Let ... think about it” гапини керакли олмош билан тўлдириг.
they, us, our.

“Доскага ёзмаг!” гапининг тўғри таржимасини топинг.

- 1 Write on the blackboard!
- 2 Don't write on the blackboard!
- 3 Will you write on the blackboard?

Қайси гапда буйруқ майли ишлатилган?

- | | |
|-----------------------------|-----------------------------|
| 1 Do you speak English? | 3 Speak English to me! |
| 2 She speaks English to me. | 4 They speak English to me. |

Таржималарни таққосланг

- | | |
|------------------------------|---|
| 1. Let us read the text | Келинг(лар) матнни ўқиймиз. |
| 2. Let the students read. | Талабаларнинг ўқишига рухсат беринг. |
| 3. Let him go to the library | Унинг кутубхонага боришига рухсат беринг. |
| 4. Let them speak English | Уларнинг инглизча гапиришига рухсат беринг. |
| 5. Don't read the book. | Китобни ўқиманг. |
| 6. Read the exercise | Машқни ўқинг. |

Сўзлар ёрдамида гаплар тузинг:

1. Come	here, to the blackboard, to the club	5. Give	Ann them him	that English book, the map, these two Russian books
2. Take	this pen, the bag	6. Don't	write this exercise, speak Uzbek at the English lesson, go there	
3. Go	there, to school, to the post-office			
4. Open	the window, the book, the box	7. Don't let	him Ann the students	go there. look at the blackboard, the students speak Uzbek at the English lesson.

Ўқинг ва таржима қилинг.

Take a map. Don't take that pen. Make a plan, Ben. Let me introduce my friend to you. Let him translate the text. Don't let him open the box.

In, to, by предлоглари

Инглиз тилида келишик қўшимчалари бўлмагани учун предлоглар алоҳида ўрин тутди:

а) **in предлоги** гапда қаерда, нимада? саволларига жавоб бўлади ва бирор нарсанинг ичида эканлигини билдиради.

He lives in London	У Лондонда яшайди.
The students are in the room.	Талабалар хонада.

б) **to предлоги** йўналишни билдиради, қаерга, қайси тарафга сўроқларига жавоб бўлади.

Go to the doctor	Докторга боринг.
------------------	------------------

в) **by предлоги** вақтни, сабаб ва мақсадни англатади, тушум келишикка тўғри келади. **by bus** — автобусда, **by 3 o'clock** — соат 3 га, **by air** — тайёрада, **by sea** — денгиз орқали, кемада.

Сон

Саноқ сонлар

Саноқ сонлар how many — қанча? деган саволга жавоб бўлади. Ун иккигача бўлган саноқ сонларни эсда тутинг.

one	two	three	four	five	six
[wʌn]	[tu:]	[θri:]	[fɔ:]	[faiv]	[siks]
1	2	3	4	5	6
seven	eight	nine	ten	eleven	twelve
[sevn]	[eit]	[nain]	[ten]	[ilevn]	[twelv]
7	8	9	10	11	12

Ун учдан бошлаб саноқ сонлар — teen суффикси ёрдамида тuzилади, айрим сонларнинг узaги ўзгаради.

13 thirteen ['θə:ti:n]	16 sixteen ['siks:ti:n]
------------------------	-------------------------

14 fourteen [ˈfɔːtɪːn]	17 seventeen [ˈsevn ʔiːn]
15 frifteen [ˈfɪf,ʔiːn]	18 eighteen [ˈei,ʔiːn]
16 sixteen [ˈsɪks,ʔiːn]	19 nineteen [ˈnaɪn,ʔiːn]

Унликларнинг белгиси — ту суффиксидир

20 twenty [ˌtwenti]	60 sixty [ˌsɪksti]
30 thirty [ˌθəːti]	70 seventy [ˌsevnti]
40 forty [ˌfɔːti]	80 eighty [ˌeɪti]
50 fifty [ˌfɪfti]	90 nitety [ˌnaɪnti]
100 hundred [ˌhʌndrɪd]	
1000 thousand [ˌθaʊzɪnd]	
1000000 million [ˌmɪljən]	

Унликлар ва бирликлар худди ўзбек саноқ сонларидек ўқилади.

64 — sixty-four	39 — thirty nine
45 — forly-five	77 — seventy seven

Юзгача тез санашни ўрганинг. Йиллар иккита — иккита сон қилиб ўқилади: 1954 — ninteen fifty four

1839 — eighteen thirty nine 1990 — nineteen ninety

Йил сўзи (year) шундай пайтда айтилмайди. Юзгача санашни биласиз. Энди давом эттирамиз.

100 — one (a) hundred

101 — one hundred and one

112 — one hundred and twelve

785 — seven hundred and eighty five

1,000 — one (a) thousand

1,001 — one thousand and one

7,945 — seven thousand nine hundred and forty five

2,000 — two thousand

100,000 — one hundred thousand

1,000,000 — one million

5,500,565 — five million five hundred thousand five hundred and sixty-five.

3,500,600,761 — three billion (milliard) five hundred million six hundred thousand seven hundred and sixty one.

Қуйидагиларга алоҳида эътибор беринг:

а) **hundred, thousand, million** сонларида кўпликда -s қўшимчаси қўшилмайди. Лекин hundred ва thousand сўзлари қўшма от бўлиб келганда -s қўшилади. **Two hundred persons** — икки юзта; **hundreds of people** — (от бўлганда) — юзлаб одамлар.

б) **hundred, thousand** сўзларидан кейин келган ўнлик ва бирлик сонлар орасига **and** ишлатилади.

135 — **one hundred and thirty five**

1,022 — **one thousand and twenty two**

Кўп сонли саноқ сонлар орасига нуқта эмас, вергул қўйилади.

Тартиб сонлар:

Биринчи учта сонни ёдда сақлаш керак:

the first [fə:st] биринчи

the second [sekənd] иккинчи

the third [θə:d] учинчи

Мисоллардан кўриниб турибдики, тартиб сонлар

which — қайси, нечанчи? саволига жавоб бўлади.

the fourth [fɔ:θ] тўртинчи;

the fifth [fifθ] бешинчи;

the sixth [siksθ] олтинчи;

the seventh [sevenθ] еттинчи;

the eighth [eitθ] саккизинчи;

the ninth [nainθ] тўққизинчи;

the tenth [tenθ] ўнинчи;

the eleventh [iːlevenθ] ўн биринчи;

the twelfth [twelfθ] ўн иккинчи;

the thirteenth [ˈθə:ˌtɪnθ] ўн учинчи;

the fourteenth [ˈfɔ:ˌti:nθ] ўн тўртинчи;

the fifteenth [ˈfifˌti:nθ] ўн бешинчи;

the sixteenth [ˈsiksˌti:nθ] ўн олтинчи;

the seventeenth [ˈsevnˌti:nθ] ўн еттинчи;

the eighteenth [ˈeitˌti:nθ] ўн саккизинчи;

the nineteenth [ˈnainˌti:nθ] ўн тўққизинчи;

the twentieth [ˌtwentiiθ] йигирманчи;

the twenty first [ˈtwenti fɜːst] йигирма биринчи;
 the thirtieth [θəːtiθ] уттизинчи;
 the fortieth [fɔːtiθ] қирқинчи;
 the fiftieth [ˈfiftiθ] эллагинчи;
 the sixtieth [ˈsiksθiθ] олтмишинчи;
 the seventieth [ˈsevntiθ] етмишинчи;
 the eightieth [ˈeitiθ] саксонинчи;
 the ninetieth [ˈnaintiθ] тўқсонинчи;
 the hundredth [ˈhʌndrɪdθ] юзинчи;
 the thousandth [ˈθaʊzəndθ] мингинчи;
 the millionth [ˈmɪljənθ] миллионинчи.

Қуйидагиларга эътибор қилинг:

а) **fifth** — бешинчи сўзида сўзнинг ўзаги ўзгаради: **five** — беш; **twelve** — ун икки санок сони тартиб сон бўлганда **ve** дан **f** га айланади: **twelfth** — ун иккинчи.

б) ўнликлардан тартиб сон ясалган у ҳарфи **ie** га айланади: **fourty** — **fourtieth**.

в) мураккаб сонлардан тартиб сон ясалган — **th** суффикси охири сонга қўшилади. **The twenty sixth** — йигирма олтинчи.

Касрлар

Ўнли касрларда бутун сон ўнлик булакдан нуқта билан ажратилади: 3.45 — three point fourty five hundredth — уч бутун юздан қирқ беш.

Солиштиринг (бундай фарқни билишингиз керак).

Ўзбекчада	Инглизчада
6.740.801	6,740,801
5.7	5.7

Инглиз тилидаги мақолани ўқиётиб 3.707 сонини кўриб қолсангиз бу тўрт хонали сон эмас, аксинча бу ўнли каср, уч бутун мингдан етти юз етти деб билинг. Ўнли касрлар қуйидагича ўқилади:

1.5 — one point five
 8.56 — eight point fifty six

Буюк Британияда 0.4; 4 nought point four, ёки point four деб ўқилади. Лекин Америкада нол zero [ˈziərou] деб ўқилади.

Қаср сонларда сурат саноқ сон билан, маҳраж тартиб сон билан ўқилади:

$\frac{1}{8}$ one eighth	саккиздан бир
$\frac{2}{7}$ two seventh	еттидан икки

Қуйидаги машқларни бажаринг

Қуйидаги сонларни тартиб сон тарзида ёзинг: 13, 46, 233, 4831, 3701, 3,405, 241; $4\frac{1}{6}$, 0.7, .8, 4. 16

Қуйидаги сонлардан тартиб сон ясанг:
2; 10; 30; 87; 93.

Сонларни овоз чиқариб ўқинг:
1,235; 1.23; 2,466; 144; .6; $\frac{7}{9}$.

Овоз чиқариб йилларни инглизча ўқинг:
1981, 1941, 1799, 1985, 1989.

Уй вазифаси

Фонограмма ёрдамида 3, 4, 5 - машқларни бажаринг, кўрсатмаларни ва машқларнинг таржималарини дафтарингизга ёзиб олинг. 1, 2 - машқларни қайтаринг. Ўқиш қоидалари устида ишланг. Грамматик қоидаларни ўрганинг ва унга тегишли машқларни бажаринг.

LESSON 3

Дарс мавзуси:

Альтернатив (танлов) сўроқ гапда ва узун жумлаларда оҳангнинг ифодаланиши.

Уй вазифасини сураш. 1, 5 - машқлар, ўқиш қоидалари ва алфавит устида ишлаш, 6, 7 — ФМ.

Грамматика. Отларда кўплик, эгалик ва сўроқ олмошлари, равиш, to have феъли the Indefinite Tense да. Альтернатив (танлов) сўроқ гапнинг тузилиши.

6- машқ (Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

	[i]	[æ]	[e]	[æ]	[ai]		[e]
1.	'Is	that	'felt	hat	,light	or	,heavy?
	[i]	[i]	[ou]	[i]	[i:]		[æ]
2.	'Is	this	'old	pit	,deep	or	,shallow?
	[i]	[æ]	[i]	[i:]	[æ]		[e]
3.	'Is	that	'big	field	,black	or	,yellow?
	[æ]	[i]	[i:]	[e]	[e]		[æ]
4.	'Can	she	'read	French	,well	or	,badly?

Таржимаси:

1. У фетр шляпа енгилми ёки оғирми?
2. У эски ўра чуқурми ё юзами?
3. У катта дала қорами ёки сариқми?
4. У фарангчани яхши ўқий оладими ёки ёмон ўқийдими?

Альтернатив танлов сўроқ гаплар оҳанги инглиз ва ўзбек тилларида солиштирилганда, иккала тилда ҳам бир хил экан: Танлов — сўроқ гап икки қисмдан (маъноли қисмлардан) тузилади. Биринчи қисм кўтарилувчи, иккинчиси пасаяувчи оҳанг билан талаффуз қилинади. Инглиз тилидаги танлов сўроқ гапнинг биринчи қисми ўз оҳанги ва грамматик тузилиши билан умумий сўроқ гапга жуда ўхшайди (3-машққа қаранг).

Инглиз тилида танлов сўроқ гапнинг биринчи қисмида кўтарилувчи оҳанг паст сатҳдан бошланади, ўзбек тилида эса бирданига кўтарилувчи сатҳдан бошланади.


Талабалар мустақил ишлашлари учун 6-машққа кўрсатма

Танлов сўроқ гапда бир-бирига зид нарса ёки нарсаларнинг қайси бири тўғрилиги сўралади. Сўзловчи тўғри, аниқ жавоб олиши учун савол беради, суҳбатдош ўзи билган ҳақиқий далилларга амал қилиб тўғри жавобни танлаб айтади.

6-машқни қуйидагича бажаринг:

а) Ургу олган унлиларни ажратиб юқори сатҳдан аста-секин товушингизни пасайтириб талаффуз этинг, кейин кўтарилувчи ва пасаяувчи оҳангни ишлатинг.

[i 'e ,ai |e]



Шу қатордаги товушларни икки марта қайтаринг.

б) **Урғу олмаган унли товушларни қўшинг.**

[i æ 'e æ ,ai |e]

Оҳанги график ифодаланишини тасвирланг. Унлилар занжири-ни бир неча марта қайтаринг: урғу олган унлилар кучлироқ талаффуз этилади. Ўз-ўзингизни ойнада текшириб боринг, [æ] товушини айтаётганингизда пастки жағингиз пастга анчагина тушиши, [e] товушида эса оғзингиз деярли очилмаслиги, фақат лабларингиз салгина очилиши керак.

в) **Товушингиз кўтариладиган ёки пасаядиган сўзларни машқ қилинг.** Кўтарилувчи ва пасаяувчи оҳангни бир-бирига таққосланг. light ,heavy; ,deer ,shallow; ,black ,yellow.

г) **Биринчи саволни (аввал ичингизда, сўнг овоз чиқариб) ўқинг,** ўқиётганингизда столга бир маромда уриб эшитиб туринг. Оғзингизни кенг очилишини текшириб [æ] ва [ai] деб талаффуз қилинг. Кейинги саволларни ҳам шу тарзда ишлаб чиқинг.

7-машқ.


'Jane 'isn't his ,aunt.

'Jane is his ,sister.

This' hall is ,small.

The 'boys 'like to 'play ,basket-ball
in ,that ,hall.

'Do you ,know those boys? ,Yes, I ,do.



Таржимаси:

Женя унинг холаси эмас.

Женя унинг опаси (синглиси).

Бу зал кичкина.

Болалар ўша залда баскетбол ўйнашни яхши кўрадилар.

Сиз анови болаларни биласизми? Ҳа.

7- машқдаги жумлалар қатъий, дадил бўлганлиги учун пасаяувчи оҳангда талаффуз этилади. Узун жумла иккита маъноли, бир-бирига

боглиқ булакларга бўлинади. Иккинчи маъноли булакда болалар бошқа бирор ўйинни эмас, баскетболни ўйнашни ёқтиришлари айтиляпти (ўйин жойи бизга аввалги жумладан маълум). Шунинг учун пасаювчи оҳанг жумла охирида эмас, баскетбол сўзида қўлланади, у **янги хабар берувчи маъно маркази ҳисобланади**. Шу асосга кўра охирги умумий сўроқ гапдаги ажратилган сўз “know” ҳисобланади ва сўзлашувдаги маъно маркази ҳисобланади.

7-машқни талабалар мустақил ишлашлари учун кўрсатма

7- машқдаги жумлаларни ўқиётганда оҳанги график ифодаланишидан фойдаланиб, вазини сақлаш учун кўлингиз билан столни бир маромда уриб туриб, зарур пайтда овозингизни кучайтириб талаффуз қилинг. Товушларнинг сифатини эшитиб туриб ҳар бир жумлани 3 ёки 4 мартадан текширинг.

Sister — сўзидаги охирги урғусиз бўғинни [ə] деб [л] га ўхшатиб талаффуз қилинг. [ɔi] дифтонги ўзбекча “вой огрияпти!” га ўхшайди, лекин биринчи қисмини чўзиброқ айтинг.

Алфавит устида ишлаш

Инглиз алфавитини овоз чиқариб ўқинг (жадвалга қаранг) ва ёдлаб олинг.

Алфавитни яна бир ўқиб чиқинг ва аввал унли ҳарфларни, кейин ундош ҳарфларни айтинг.

Қуйидаги сўзлардаги ҳарфларни номма-ном айтиб беринг.

date, fine, pole, tune, sport, own

Ўқиш қоидалари

Қуйидаги сўзларни ўқинг. Унли ҳарфлар алфавитдагидек чўзиқ ва қисқа ўқилади:

miner — кончи, take — олмоқ, smoke — чекмоқ, try — ҳаракат қилмоқ, rich — бай, cut — кесмоқ, wet — зах, нам, vote — овоз бермоқ, bird — қуш, thirty — ўттиз, party — партия.

**Ўқитувчи ёрдамида қуйидаги жадвални таҳлил қилинг ва ўқинг.
Сўзлардаги урғудан олдин турган бўғинга аҳамият беринг.**

Ҳарф ва ҳарф бирикмалари	Ўқилиши (урғудан олдин)	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
a-	[ə]	ag,rarian (аграр), a,gain (яна).
con-	[kən]	con,struct (қурмоқ), con,tainer (контейнер).
for-	[fə]	for,get (эсдан чиқармоқ), for,see (олдиндан қурмоқ).
sur-	[sə]	sur,prise (ҳайрон қолмоқ).
ge-	[dʒi]	ge,ography (жуғрофия).
geo-	[dʒiə]	geo,logical (геологик).
bi-	[bai]	bi,ology (биология). bio,graphy (таржимаи ҳол)
re-	[ri:]	re,pay (қайтадан туламоқ)

**Ўқитувчи ёрдамида қуйидаги жадвални таҳлил қилинг ва ўқинг.
Сўзларнинг охирини ўқилишига аҳамият беринг.**

Ҳарф ва ҳарф бирикмалари	Сўз охирида ўқилиши	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
-er		,faster (тезроқ), ,dinner (тушлик), ,sister (опа, сингил)
-or	[-ə]	,doctor (доктор), ,o,rator (маърузачи), ,oppressor (золим)
-ar		,liar (ёлғончи).
-our		,neighbour (қўшни).

Ҳарф ва ҳарф би- рикмалари	Сүз охирида ўқилиши	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
-y	[i]	geology (геология), policy (сиёсат), city (шаҳар), very (жуда).
-ture	[-tʃə]	picture (расм), future (келажак),
-sure	[ʒə] [-ʃə]	pleasure (мамнунлик), measure (ўлчов), pressure (босим)
-tion	[-ʃən]	station (бекат), election (сайлов).
-sion	[-zən] [-ʃən]	division (бўлиш), decision (қарор). pension (нафақа), tension (танглик)
-cial	[-ʃəl]	official (маъмурий), social (социал).
-gh	[f]	enough (етарли), cough (йўтал), rough (қўпол), laugh (кулмоқ).
-tain	[-tɪn]	fountain (фаввора), mountain (тоғ).
-ous	[əs]	jealous (рашкчи), famous (таниқли).
-able	[əbl]	unbearable (чидаб бўлмайдиган), immovable (ҳаракатсиз).

Грамматика

Отларда кўплик

Инглиз тилида отларда кўплик **-s** (ёки **-es**) қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Жарангсиз ундошлардан кейин **[s]** деб, унли ва сиргалувчи ундош товушлардан кейин **[z]** деб ўқилади:

text — texts **[s]**, room — rooms **[z]**, pass — passes **[ɪz]**. Агар сўз **-y** ҳарфига тугаса, ва **-u** ҳарфидан олдин ундош бўлса, бундай сўзларда **-u** ҳарфи **-i** ҳарфига айланади ва **-es** қўшилади, city — cities **[sɪtɪz]** (шаҳар-шаҳарлар).

Сўз охиридаги -у ҳарфидан олдин унли келса, -у ҳарфи ўзгармайди: day-days [**deiz**] — (кун-кунлар).

Сўзлар -f ёки -fe га тугаган бўлса, -(e)s кўплик қўшимчаси қўшилса, f ҳарфи v га айланади: shelf-shelves [**ʃelvz**] — (жавон-жавонлар), knife — knives [**naivz**] (пичоқ-пичоқлар).

Айрим отлардан кўплик ясалганда, уларнинг ўзагидаги унли ҳарф ўзгаради.

man [**mæn**] — эркак, одам

woman [**wʊmən**] — аёл

foot [**fʊt**] — оёқ

tooth [**tu:θ**] — тиш

men [**men**] — эркаклар, одамлар

women [**wimən**] — аёллар

feet [**fi:t**] — оёқлар

teeth [**ti:θ**] — тишлар

Грек ва лотин тилидан кириб қолган сўзлар ўзларининг кўплик шакллари сақлаб қолган.

Бирлик

phenomenon [**əp**] —

ҳодиса, кўриниш;

curriculum [**əp**] — режа,

дастур,

analysis [**is**] — таҳлил

datum [**əp**] — асос

Кўплик

phenomena [**ə**] — ҳодисалар

curricula [**ə**] — режалар, дастурлар.

analyses [**i:z**] — таҳлиллар

data [**ə**] — асослар

Қуйидаги саволларга жавоб беринг

Қайси отнинг кўплик қўшимчаси [z] деб талаффуз қилинади?

maps, tests, peas, books.

Қайси отга — es қўшимчаси қўшиш билан кўплик ясалади?

book, farm, box, pen.

Қайси от кўпликда — f ҳарфининг v га айланишидан ясалади?

knife; stuff, cliff; muff.

Қайси отда кўплик — u ҳарфи i га айланишидан ясалади?

toy; family; day.

Қайси отда кўплик умумий қоида бўйича ясалади?

pencil; datum; plan; name.

Эгалик олмошлари

Эгалик олмошлари икки хил шаклга эга: оддий шакли отдан аввал келиб аниқловчи вазифасини бажаради (my book — менинг

китобим) ва эгалик олмошининг мустақил шакли от урнида ишлатилади:

My room is large

Yours is larger

Менинг хонам катта.

Сизники (хонангиз) каттароқ.

Эгалик олмошлари	
Оддий шакли	Мустақил шакли
my — менинг	mine — меники, ўзимники
his }	his }
her } унинг	hers } уники, ўзиники
its }	its }
our — бизнинг	ours — бизники, ўзимизники
your — сизнинг	yours — сизники
their — уларнинг	theirs — уларники

Қуйидаги сўроқ олмошларини ёзиб олинг.

who[hu:] — ким, **whose** [hu:z] — кимнинг, **whom** [hu:m] — кимни, кимга, кимдан, **which** [witʃ] — қайси, қайсиниси, **what** [wɒt] — нима, қайси, қандай, қанақа ва равишлар:

where [wɛə] — қаерда, **when** [wen] — қачон, **why** [wai] — нима учун, **how** [haʊ] — қандай

Ҳамма сўроқ сўзларни ёд билишингиз керак.

Қуйидаги машқларни бажаринг

Олмошларнинг қайси бирига кишилик (1), эгалик (2), кўрсатиш (3), сўроқ (4) олмошлари киради?

his, I, he, them, me, you, this, what, who, those, it, their, our, her, its, us, that, whose, your, we, she, my.

Тагига чизилган олмошларнинг гапдаги вазифасини аниқланг:

1. He is in Tashkent now.
2. We send him to Moscow.
3. Pass me the ball, please.

To have феъли The Indefinite Tenses да.

To have феъли бор, эга бўлмоқ, эгалламоқ каби маъноларни англатади, **Present, Past** ва **Future Tenses** шакллари мавжуд.

Present	Past	Future
I have He } She } has It }	I He } She } had It }	I shall have He } She } will have It }
We } you } have They }	We } you } had They }	We shall have you } They } will have
Менда, унда, бизларда, сизларда, уларда бор.	Менда, унда, сизларда бор эди.	Менда, сизда, уларда бор бўлади.

To have феъли ишлатилган гаплардан сўроқ гап икки хил тузилади:

1. **have** эгадан аввал қўйилади.

Have you a brother?

Сизнинг акангиз борми?

2. **To have** феъли **supper, dinner, breakfast** билан келганда сўроқ гап тузилиши учун **do (does)** ёрдамчи феъли қўлланилади.

When **do** you **have** breakfast?

Сиз қачон нонушта қиласиз?

Бўлишсиз гапда: а) no ёки not инкор сўзи ишлатилади.

I have no book
He **has not (hasn't)** a family

Менинг китобим йўқ
Унинг оиласи йўқ

б) do (does) not don't, doesn't ишлатилади.

They **don't have** breakfast
at the hotel today

Улар бугун меҳмонхона-
да нонушта қилмайдилар

Оғзаки **нутқда** Present Indefinite да have ўрнида have got ишла-
тилади:

Have you got children?

Сизнинг болаларингиз
борми?

Қуйидаги машқларни бажаринг

Нутқалар ўрнига to have феълининг керакли шаклини олиб гап-
ларни тўлдиринг.

- | | |
|---|------------|
| 1. I ... got a large family | have |
| 2. Jane ... got a lot of friends | has |
| 3. We ... a test last week | had |
| 4. Mary ... her English in the morning | shall have |
| 5. They .. so much work to do tomorrow | will have |
| 6. Ann ... good results in swimming last season | |

“He ... a nice room” гапида феълнинг қайси шаклини қўлайсиз?
has; have.

Қайси гапда to have феълининг has шаклини ишлатасиз?

1. We ... a long pencil
2. I ... a nice room
3. He ... a friend.
4. They ... a good friend.

“Бизнинг яхши хонамиз бор эди” деган гапга қайси таржима тўғри
келади?

1. You have a nice room.
2. We had a nice room.

Альтернатив (танлов) сўроқ гапнинг тузилиши

Танлов сўроқ гап иккита умумий сўроқ гапдан иборат бўлиб,
унда **or** (ёки, ё) боғловчиси ишлатилади ва сўралган нарсалардан

бирининг номини айтиб жавоб қайтариш талаб қилинади. Бундай сўроқ гапга тўлиқ жавоб бериш керак.

Is he a student or (is he) a teacher?

He is a student.

Уй вазифаси

1, 2, 3, 4- машқларни ўқиб жавоб беришга тайёрланг. 6, 7- машқлар устида ишланг. Машқларни кучириб ёзинг ва таржима қилинг. Ўқиш қоидаларини ёдланг. Грамматика устида ишланг ва унга тегишли машқларни бажаринг.

Инглиз алфавитини ёдлаб олинг.

LESSON 4

Даре мавзуси. Махсус сўроқ гапда оҳангнинг ифодаланиши.

Уй вазифасини сўраш. 6—7- машқдаги сўз ва жумлаларнинг таржимаси.

1—4- машқларни контроль (назоратда) топшириш. Алфавит устида ишлаш. Инглиз ундош товушлари: [r, w], 8,9-ФМ.

Грамматика.

Махсус сўроқ гапнинг тузилиши; there is, there are конструкцияси; on, at, of предлоглари.

8-машқ

(Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

IV тур бўғинда унлиларнинг дифтонг бўлиб ўқилиши.

[eə]	[iə]	[juə]	[aiə]	[uə]
rare сийрак	here шу ерда	pure тоза	fire олов	plural кўплик
care ташвиш	zero ноль	cure тузатмоқ	tired чарчаган	sure ишончли
parents ота-она	serious жиддий	lure огдирмоқ	tyre шина	poor камбағал

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 8-машққа кўрсатма

8-машқдаги сўзларни аввал вертикаль (юқоридан пастга) сунг горизонтал (чапдан унга чизиқ бўйлаб) ўқинг ва солиштиринг:

[ɛə, iə, juə, aiə]

Дифтонгнинг биринчи қисмини чузиброқ, иккинчи қисмини қисқа **[ə]** деб **[ʌ]** га ўхшаш айтинг.


Дифтонг **[ɛə]** нинг биринчи товушини ўзбекча **[э]**, **[iə]** ни ўзбекча **[у]** ва **[u]** ни ўзбекча **[y]** га ўхшатинг.

Дифтонгдан кейин келадиган ундош товушни қаттиқ айтинг. Инглизча **[г]** товушини талаффуз қилганда тилингизни орқароққа тортиб, учини хиёл юқорига кўтаринг. Масалан **gate** сўзини талаффуз қилганда тилингизни учини ўзбекча **[p]** га қараганда кўпроқ ичкарига тортинг.

9-машқ

[ɔ] [e] [ai] [æ]

1. What? When? Why? Van?
2. 'Where is the table? It is at the wall.
3. 'What is there in the classroom?
4. There are 'chairs and a bench in it.
5. 'What is there on the shelf?
6. There is a vase on it.



Таржимаси:

1. Нима? Қачон? Нега? Вагон?
2. Стол қаерда? У девор ёнида.
3. Синфда нима бор?
4. У ерда курсилар ва скамейка бор.
5. Жавонда нима бор?
6. Унда гулдон бор.

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 9-машққа кўрсатма

Махсус сўроқ гапнинг грамматика ва оҳангда ифодаланиши. Махсус сўроқ гап **what, where, why, when** билан бошланади ва жавоб тулиқ, аниқ маълумот бериши керак. Бундай гаплар инглиз ва

ўзбек тилларида пасаювчи оҳанг билан ифодаланади. Инглизча [w] товуши талаффуз этилаётганда лаблар чўччайтирилади ва қисқа унли товушини тезда айтиб, охириги [-n] товушини чўзиброқ айтиш керак [wen].

Ўз-ўзингизни ойнага қараб текширинг: [wen — væn]. Дифтонгнинг биринчи қисмини [wai] сўзида чўзиброқ айтинг. Машқни ўқиётганингизда оҳангнинг график ифодаланишидан фойдаланинг.

Инглизча жумладаги биринчи урғу олган бўғинни ўзбекчага қараганда юқорироқ сатҳда айтинг. Махсус сўроқ гапда пасаювчи оҳанг дадил, қатъий оҳангда жаранглаши керак. Гап орасида. there [ðæə] сўзини алоҳида айтманг.

Предлог ва олмошларни жумла охирида сўз бирикмаси бўлиб ўқилишига аҳамият беринг:

Предлог алоҳида қаттиқроқ айтилиши керак. Бутун жумлани айтишдан аввал [ə, vɑːz, ɒnɪt] қисмини машқ қилинг. Предлогни алоҳида қаттиқроқ айтинг. Бешинчи жумлада on the shelf сўз бирикмасида [n] товушидан кейин тиш оралиғи [ð] товуши келгани учун, тилингизни учини юқори тишларингизга қуйиб [n] товушини талаффуз қилгандек айтинг.

Агар кейинги сўз унли ҳарф билан бошланса, there is да [r] ни талаффуз этиш керак.

1, 4-машқларни якка-якка тартибда текширилади. Талабаларнинг дафтарыда топширилмаган вазифалар белгиланади. Қолган вақт давомида 5 ва 6, 7-машқларни диктордан сўнг қайтарилади.

Қайтаринг:

Тўрттала тур бўғинда унлиларнинг ўқилиш қоидаси:

Тур бўғинлари	I	II	III	IV
	Унлиларнинг алфавитдек ўқилиши	Унлиларнинг қисқа ўқилиши	Унлиларнинг чўзиқ ўқилиши	Унлиларнинг дифтонгли ўқилиши
Ҳарф	Унли+ундош+ўқилмайдиган “e” (“r” бўлмайди)	Унли+ундош+ (“r” бўлмайди), унли+ундош+ундош	Унли + “r”+ундош	Унли + “r”+ ўқилмайдиган “e”

a	[ei] ,hate ,late	[æ] ,hat ,fat	[a:] ,hard ,far	[εə] ,hare ,fare
o	[ou] ,hope ,no	[ɔ] ,hot	[ɔ:] ,for ,horn	[ɔ:] ,more
u	[ju:] ,mule ,tune	[ʌ] ,hut ,cut	[ə:] hurt fur	[juə] ,cure ,pure
e	[i:] ,he ,Pete	[e] ,pen	[ə:] 'her	[iə] ,here
i, y	[ai] ,like ,type	[i] ,kiss ,hymn	[ɔ:] 'sir ,myrtle	[aiə] ,hire ,tyre

Қуйидаги жадвалда берилган “а” ҳарфининг бошқа унлилар ва ундошлар бирикмасида ўқилишини ўқитувчи биргалигида таҳлил қилинг ва ўқинг.

Унли “а” ҳарфини бошқа унлилар
ва ундошлар бирикмасида ўқилиши

Ҳарфлар	Ўқи- лиши	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
ai ay	[ei]	,main (асосий), ,chain (занжир), қоидадан ташқари: [e], ,said (айтган), ,day (кун), ,say (айтмоқ), ,way (йўл).
a+bl	[ei]	,table (стол), ,cable (кабель).
-nce -nt a+ -st -sk -ss -th	[a:]	,dance (ўйнамоқ), ,France (Фарангистон) ,plant (усимлик), ,can't (қила олмаслик). ,past (ўтган), ,fast (тез). ,ask (сурамоқ). ,class (синф), ,grass (ўт). ,bath (ванна), ,path (йўл).
au aw	[ɔ:]	,author (муаллиф), ,August (август). ,saw (кўрган), ,law (қонун).

ll a+lt lk	[ɔ:]	,all (хамма), ,fall (йиқилмоқ), ,tall (баланд), ,salt (туз), ,walk (сайр этмоқ), ,talk (гаплашмоқ).
wa+r	[ɔ:]	,warm (илиқ), ,war (уруш), ,warn (огоҳлан-тирмоқ)
qua+r	[ɔ:]	,quarter, [kwɔ:tə] (чорак).
wa-	[ɔ]	,was (булган), ,want (хоҳламоқ), ,watch (соат).

Грамматика

Махсус саволнинг тузилиши

Махсус савол гапнинг бирор бўлагига тегишли бўлади; **what** — нима, қандай, **when** — қачон, **where** — қаерда, **how** — қандай, **how many** (much) — қанча, **why** — нимага ва бошқа сўроқ сўзлар билан бошланади. Бундай сўроқ гапларнинг жавоби тулиқ бўлади ва сўз тартиби дарак гапдагидек бўлиши керак.

Where do you study?

I study at the University.

There is, there are конструкциялари

Бундай конструкциялар бирор ким ёки бирор нимани қаердалир бор ёки йўқлигини кўрсатиш учун ишлатилади.

Инглиз тилидаги бундай гапларни таржима қилганда гап охиридан, яъни ўрин ҳолидан бошлаш керак.

There is a lamp on the table Столда лампа бор.

There is, there are конструкцияларидаги феъл ҳар хил замон формалари ва модаль феъллар билан ишлатилиши мумкин.

Бир нечта нарса, предметларни тасвирлаганда гапдаги биринчи эга қайси сонда ишлатилса, кесим ҳам уша сонда ишлатилади.

There is a book and a lot of pens on the table — Стол устида китоб ва куп ручкалар бор.

**There is, there are конструкцияли
гапларда сўз тартиби.**

Булишли гап	Суроқ гап	Булишсиз гап
There is a pen in the box	Is there a pen in the box?	There is no pen in the box.

Куйидаги гапларни таржима қилинг:

There are a lot of wide rivers in Europe.

There are eleven new words in the text. There is a bridge across the river. There are five apples on our table. There is a railway near our city. There are two ships in the mouth of the river. There are twelve sheets in the child's notebook.

(**There is, there are** конструкциялари ҳақида тулиқ маълумот дарсликнинг асосий курсида берилган).

On, at, of предлоглари

Ушбу дарсда қўлланган айрим предлогларни куриб чиқамиз.

а) **on предлоги** кўпинча устида ва -га, -да қўшимчалар ёрдамида таржима қилинади ва бирор предметни бирор нарса устига қўйишни ёки устида эканлигини кўрсатади.

The lamp is **on the table**

Лампа стол **устид**а.

(Лампа столда).

London is **on the Thames**

Лондон Темзада (жойлашган).

Put the book **on the table**

Китобни столга қўй.

(Китобни столни устига қўй).

б) **at предлоги** қаерда, қаерга саволига жавоб бўладиган отлар олдидан ишлатилади, предметни бирор нарсанинг ёнида, ичида ва -га, -да қўшимчалари билан берилади. **at предлоги** эканлигини билдиради **in предлогига** қараганда кенгроқ жойни тасвирлайди.

They are **at school**

Улар мактабда

Ann is **at the table**

Анна стол **ёнида**.

They look **at the map**

Улар харитага қарайдилар.

в) **of предлоги** бирор нарсани кимгадир, нимагадир тегишли эканлигини билдиради, ўзбек тилида қаратғич келишигида (-нинг) берилади.

The centre **of** the town

Шаҳар**нинг** маркази.

This side **of** the river

Дарё**нинг** бу томони.

Уй вазифаси

5, 6, 7-машқларни контроль (текшириш) учун ўқиб келинг. 8, 9-машқларни такрорланг. Кўрсатмалардан фойдаланинг, машқларнинг таржималарини ёдланг. [-ð], [-z] ларни қўшиб ўқишни ўрганинг. Грамматик материални тайёрланг ва машқларни бажаринг.

LESSON 5

Дарс мавзуси: Саломлашишнинг оҳангда ифодаланиши. 10-машқни ўқиш. Инглиз [ŋ] товуши. 5, 6, 7-машқларни текшириш учун ўқиш. Уй вазифасини сураш: 8, 9-машқлар. “A Visit” матнини ўқиш. “O” унли ҳарфини бошқа унли ва ундощ ҳарф бирикмалари билан ўқиш қоидалари.

Грамматика: The Continuous Tenses

10-машқ. (Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

'Good morning!

Салом! (эрталабки саломлашиш).

'What are you doing here?

Сиз бу ерда нима қилаяпсиз?

'Whom were they waiting for?

Улар кимни кутишаётган эди?

'Why isn't he listening to us?

Нима учун у бизни эшитмаяпти?

'What was she looking at?

У нимага қараётган эди?

'Good- ,bye.

Хайр.

'That, girl 'learns the 'thirty-'first 'German
, lesson.

У қиз ўттиз биринчи олмонча дарсни ўрганмоқда.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШЛАРИ УЧУН 10-МАШҚҚА КЎРСАТМА

Инглиз ва ўзбек тилларида бир-бирини кўришганда саломлашиш оҳанги бир хил, **пасаювчи оҳанг**да айтилади. Лекин кўпинча инглиз тилида хайрлашишда кўтариловчи **оҳанг қўлланилиб**, ачиниш оҳангини беради. Агар сўзловчилар бир умрга ёки жуда кўп вақт айрилиққа мажбур бўлсалар, пасаювчи оҳанг қўлланилади. Ўзбек тилида ҳар қандай ҳолатда ҳам пасаювчи оҳанг қўлланилади.

[ŋ] товушини талаффуз қилаётганда огзингизни очинг, пастки жагингизни туширинг: doing [ŋ] товуши [ŋ] га ўхшаб қолмасин. Ойнага қаранг, огзингизни очиб, тил учини пастки олди тишларингизни илдизига тегизинг (яна бир бор текшириб кўринг), бу товушни талаффуз этаётганда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга тегизилади, ҳаво оқими эса бурун бўшлиғи орқали ўтади. Инглизча [ŋ] товуши қаттиқ бўлиши керак (лекин ўзбекча [ɲ] товуши юмшоқдир. Товушни овозингизни бўлмасдан оҳиста талаффуз қилинг. Ортиқча кучаниш тусиққа олиб келиб ўзбекча [ɲ] бўлиб қолади.

Сўз бирикмаси “to us” да предлогни алоҳида ажратиб айтинг. **That girl learns the thirty first German lesson.** жумласида [ə:] товушини талаффуз этаётганда унли товуш сифати ёнидаги ундош товушлар таъсирида ўзгармасин. [g] товушини қаттиқ талаффуз қилинг. [gə:l] сўзини айтаётганда унли товуш [o] га ўхшамасин. Товушни алоҳида айтиб [e] товушини кўшинг. Лекин [əə:tɪfə:st] сўз бирикмасидаги [ə:] товуш [e] га ўхшамасин; хато қилмасликка ҳаракат қилиб [ə:] товушини паст овоз билан [o] га ўхшатиб айтинг. “German” сўзида, юқори лабингизни аста юқори кўтариб [e] товушини сал кўшиб [ə:] товушини чўзиброқ баланд овоз билан айтинг.

Шундай қилиб [læ:nz ðə] сўз бирикмасида [zð]ни ўзаро боғлаётганда тиш орқа товуши [z] ни тиш оралиғи товуши [ð] билан ўзгартирманг. Тиш орқа товушини талаффуз қилиб, кейин тилингизнинг учини тишларингиз орасига қўйиб тиш оралиғи товушини талаффуз қилинг, ойнага қараб ўзингизни текширинг.

A VISIT диалогини киритиш. Магнит лентасидан фойдаланилади ва матн ўзбек тилига таржима қилинади.

Ўқиш қоидалари

Қуйидаги жадвалда берилган “о” ҳарфининг унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқилишини ўқитувчи биргалигида таҳлил қилинг, ўқинг ва сўзларни ёдланг.

Унли “о” ҳарфини унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқилиши

Ҳарфлар	Ўқилиши	Ўқитувчи биргалигида ўқиш учун мисоллар
o+ld oa ow	[ou]	ʼtold — айтган, ʼold — қари, эски, ʼcold — совуқ ʼcoat — пальто, ʼsoap — совун, ʼboat — қайиқ ʼgrow — ўсмоқ, ʼslowly — секин
ow ou	[au]	ʼnow — ҳозир, ʼhow — қандай, ʼallow — рухсат бермоқ ʼabout — тўғрисида, ʼout — ташқари, ʼhouse — уй.
oo+r ou+r	[ɔ:]	ʼdoor — эшик, ʼfloor — пол, қават. ʼcourse — курс, ʼyour — сизнинг, ʼfour — гурт.
wo+r	[ə:]	ʼwork — иш, ʼworld — дунё, ʼword — сўз.
o	[u:]	ʼdo — бажармоқ, ʼmove — ҳаракат қилмоқ, ʼlose — йўқотмоқ
oo	[u:]	ʼfood — овқат, ʼspoon — қошиқ, ʼmoon — ой. ʼblood [л] — қон (қоиладан ташқари).
	[u]	ʼbook — китоб, ʼlook — қарамоқ, ʼfoot — оёқ тағи
wo	[u]	ʼwoman — аёл, ʼwolf — бўри.
oi oy	[ɔi]	ʼcoin — танга, ʼsoil — замин, ʼnoise — шовқин, ʼboy — ўғил бола, ʼjoy — хурсандчилик

Грамматика:

The Continuous Tenses

Феълнинг **Continuous (Present, Past, Future)** замон шакллари to be ёрдамчи феъли ва асосий феълнинг сифатдош I формаси ёрдамида тузилади.

to be + Participle I

Бўлишли шакли

- | | |
|--|-----------------------------------|
| 1. He is translating the text. | У матни таржима қилаяпти. |
| 2. He was translating the text. | У матни таржима қиляётган эди. |
| 3. He will be translating the text. | У матни таржима қиляётган бўлади. |

Сўроқ шакли

1. **Is** he **translating** the text?
2. **Was** he **translating** the text?
3. **Will** he **be translating** the text?

Бўлишсиз шакли

1. He **is not translating** the text.
2. He **was not translating** the text.
3. He **will not be translating** the text.

Феълнинг Continuous замон гуруҳларида иш-ҳаракатни ҳозир, ўтган ёки келаси замондан бирининг аниқ бир вақтда бажарилаётганини, давом этаётганини билдиради.

The Present Continuous Tenses иш-ҳаракатни ҳозир, шу вақтда бажарилаётганини кўрсатади.

We are reading and translating the text — Биз ҳозир матни ўқияпмиз ва таржима қилаяпмиз.

The Past Continuous Tense иш-ҳаракатни ўтган замонда аниқ бир пайтда бажарилганини кўрсатади:

а) вақти аниқ кўрсатилади:

He **was making** his report
at seven o'clock.

У ўз маърузасини соат
еттида қиляётган эди.

б) гапдаги бошқа иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилиши билан боғлиқлигини кўрсатганда:

Tom **was writing** a letter
when I entered the room.

Мен хонага кирганимда
Том хат ёзаётган эди.

The Future Continuous Tense иш-ҳаракатни келажакда аниқ бир вақтда бажарилишида ишлатилади:

а) аниқ пайти кўрсатилади:

He **will be translating** the text
at four o'clock

У соат тўртда матнни **таржима қилаётган** бўлади.

б) келажакдаги иш-ҳаракатга боғлиқ бўлади.

He **will be translating** the text
when I come home

Мен уйга келганимда у матнни **таржима қилаётган** бўлади.

(The Continuous Tenses ҳақида асосий қисмда батафсил берилган)

Қуйидаги машқларни бажаринг

Ўзбек тилига таржима қилинг:

1. He is singing my favourite song.
2. They are playing tennis.
3. Is she taking a course in geography?
4. I shall be waiting for you at 6 o'clock tomorrow.
5. What will you be doing tomorrow at two o'clock?
6. He was working all the afternoon yesterday.
7. Bob was reading a book when his sister entered the room.
8. Who was the girl you were dancing with?

Саволларга жавоб беринг:

Намуна:

A: Who is reading your article? (my professor)

B: My professor is.

A: What are you reading? (the book)

B: I am reading the book.

1. Who is checking the result? (the students)
2. Who is developing these ideas? (a group of scientists)
3. Who was showing them the new machine? (the students)
4. What will you be doing at two o'clock tomorrow? (writing a letter)
5. Whom were you speaking to when I saw you? (a foreign scientist)

Ўй вазифаси:

10-машқни ўқинг ва 8, 9-машқларни контроль ўқишга тайёрланг. “A Visit” диалогини магнит лентасидан эшитинг. Ўқиш қоидаларини, грамматик материални ёдланг ва машқларни бажаринг.

LESSON 6

Дарс мавзуси. Тасдиқ — сўроқ гапнинг грамматика, оҳангда ифодаланиши, уни 11-машқда мустақкамлаш. “A Visit” диалогини ўқишга ўргатиш.

Ўй вазифаси: 10-машқни текшириш (сўраш).

8, 9-машқларни контроль ўқиш. Ўқиш қоидаларини текшириш “е” унли ҳарфини бошқа унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқиш қоидаларини киритиш. “A CALCULATOR” матнини ўрганиш учун магнит лентасини эшитиш ва уни таржима қилиш.

Грамматика: Бўлишсиз гаплар.

Тасдиқ — сўроқ гапнинг грамматика ва оҳангда ифодаланиши

Тасдиқ — сўроқ гап икки қисмдан тузилади: биринчи қисми бўлишли ёки бўлишсиз дараж гапдан ва иккинчи қисми қисқартирилган умумий сўроқ гап бўлади. Агар гапнинг биринчи қисми бўлишли бўлса, иккинчи қисми қисқа бўлишсиз гап бўлади.

Тасдиқ — сўроқ гапга жавоб бўлишли ёки бўлишсиз бўлиб, қисқа шаклда айтилади.

11- машқ.

(Ўқитувчи биргалигида бажарилади).

'Jane is his sister, isn't she? |

,Yes, she is. ,No, she isn't |

'Jane isn't his sister, is she? |

,No, she isn't ,Yes she is. |

Таржима:

Женя унинг опаси (синглиси), шундай эмасми?

Ҳа. Йўқ.

Женя унинг опаси (синглиси) эмас, шундайми?

Йўқ. Ҳа.

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун 11- машққа кўрсатма

Тасдиқ — сўроқ гап маъно жиҳатидан нутқда икки қисмга бўлинади: биринчи қисми пасаяувчи оҳанг билан, иккинчи, сўроқ қисми эса кўтарилувчи оҳанг билан талаффуз қилинади.

Тасдиқ — сўроқ гапда ўрғу олган сўзларни алоҳида қайтаринг, кейин пасаяувчи ва кўтарилувчи оҳангларда гапни талаффуз қилинг.

“A VISIT” диалогига кўрсатма

Диалогни ўқишдан аввал талаффуз этишда қийин бўлган сўзларни ўқитувчи билан ҳаммангиз биргаликда, сўнгра талабалар ўзлари алоҳида-алоҳида ишлаб чиқишлари зарур: [ˌsænfəd], [ˌmɪstə], [ˌmisɪz], [ˌpɪtɪ], [ˌraɪt].

Оҳангларнинг ишлатилишига аҳамият бериб, жумлаларнинг қайтарилишини ва сўз бирикмаларини диктордан сўнг жўр бўлиб ўқитувчи назорати остида қайтаринг. Маъносини тушунганингизни текшириш учун диалогни эшитганингиздан сўнг саволларга жавоб бering.

A VISIT [ə vɪzɪt]

- Hallo, Betty.
- 'Good after, noon, Mr. White.
- 'Is Doctor Sandford, in?
- No, he isn't. Doctor Sandford is 'still in the hospital.
- 'Is Mrs. Sandford at home?
- No, she isn't. 'Mrs. Sandford is out. She is in the park with Benny.
- And old Mrs. Sandford isn't well.
- Oh, 'that's a pity. 'What's the matter?
- It's a 'bad cold. She is 'better to day. I'm 'so, sorry Mr. Sandford isn't at home yet.
- 'That's all right. Re'member me to Mrs. Sandford.
- 'Yes, Mr. White.
- So 'long then, Betty.
- So 'long Mr. White.

Questions

1. 'Why isn't Doctor Sandford in?
2. 'Is Mrs. Sandford at home or is she out?
3. With 'whom is she in the park?
4. 'What's the matter with 'old Mrs. Sandford?
5. 'Is 'old Mrs. Sandford worse or is she better to day?
6. 'Who is so sorry that Mr. Sandford isn't at home yet?

Ўқиш қондаси

“Е” унли ҳарфини бошқа унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқилишини ушбу жадвалда ўқитувчи биргалигида таҳлил қилинг ва ўқинг:

Ҳарф-лар	Ҳарфлар-нинг уқилиши	Ўқитувчи биргалигида ишлаш учун мисоллар
ea ee	[j:]	,tea — чой, ,leaf — барг, ,meat — гўшт, ,free — озод, ,three — уч, ,deep — чуқур (қоидадан ташқари): ,head [e] — бош, ,bread — нон.
ei	[i:] [ei]	,ceiling — шифт, ,seize — ушлаб олмоқ, ,eighty — саксон.
ea+r	[ə:]	,earth — ер, ,heard — эшитган
	[εə]	,wear — кийинмоқ, ,tear — йиртмоқ
ee+r	[iə]	,engineer — муҳандис, ,hear — эшитмоқ, ,clear — тушунарли
ew	[u:] [ju:]	,flew — учган, ,chew — чайнамоқ, ,chewinggum — сақич, ,new — янги, ,knew — билган, ,few — оз.

Грамматика:

Булишсиз гаплар

Инглиз тилида булишсиз маънони англатиш учун гапда фақат бир марта инкор сўз қўлланади. Агар гапда бошқа инкор сўз бўлмаса ва феъл инкор маъносини англатса, not юкламаси феълдан кейин қўлланилади. Бундай гаплар булишсиз гаплар дейилади.

I **do not** know him Мен уни билмайман.

Агар гапда инкор сўз булса, феъл булишли формада булади.
Nobody knows him. Уни ҳеч ким билмайди.

Энг кўп қўлланиладиган инкор сўзлар: **never** [nevə] — ҳеч қачон, **nobody** [noubədi] — ҳеч ким, **nothing** [nʌθɪŋ] — ҳеч нарса, **no** [nou] йўқ. Бу сўзларни эсда сақланг.

Уй вазифаси 10, 11- машқларни ва “A Visit” диалогини контроль ўқиш учун тайёрланг. Ўқиш қоидалари ва грамматик материални ёдланг. Грамматик машқларни ёзма бажаринг. “A CALCULATOR” матнини эшитинг, сўзларини ёдланг ва таржима қилинг.

LESSON 7


Дарс мавзуси: “A CALCULATOR” матнини киритиш, ўқишга ўргатиш ва унинг оҳанг ифодаланишини таҳлил қилиш. 8, 9, 10, 11- машқларни қайтариш. “A Visit” диалогини қайтариш. Ўқиш қоидаларини текшириш. Инглиз алфавитини қайтариш.

Грамматика: The Past Indefinite Tense.

Look and Read:

A CALCULATOR

OPERATIONS ON NUMBERS



A CALCULATOR

This calculator consists of a plastic case, electronic circuits, a display and twenty keys. The plastic case contains batteries. The keys include the digit keys, one decimal point key and so on. The keys are arranged in five columns and five rows. The middle row comprises three digits and the multiplication sign. The number in the display contains eight digits.

“A Calculator” матни устида ишлаш учун кўрсатма

“A Calculator” матнини ўқишдан аввал қийин бўлган сўз ва ибораларни ҳамма биргаликда жўр бўлиб ва алоҳида-алоҳида ўқитувчи билан ишлаб чиқиши керак: [dis'plei], [kliə], [didʒit], [desiməl], [skwɛə], [pə'sentidʒ], [mæθi'mæti'kl], [simbəl]

Бошқа сўзларнинг ўқилиш оҳангини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Матнни талабалар қандай тушунганликларини ўқитувчи қуйидаги саволлар ёрдамида аниқлайди.

1. What does the calculator consist of?
2. How many digits are there in the display?
3. Does the calculator contain a display?
4. How many keys does the calculator contain?
5. Does the calculator consist of twenty or thirty keys?
6. Which keys does the middle row comprise?

Грамматика:

The Past Indefinite Tense

Бу замонда ишлатилган феъллар иш-ҳаракатни ўтган замонда бажарилганини кўрсатади. Феъллар ўтган замон шаклларининг қай усулда ясалишига кўра тўғри ва нотўғри феъллар деб аталадиган икки катта гуруҳга бўлинади.

Инглиз тилидаги феълларнинг кўп қисми тўғри феъллардир.

Нотўғри феъллар фақат икки юзга яқиндир.

Тўғри феъллардан ўтган замон шакли феъл негизига **-d, (-ed)** қўшимчаси қўшиш билан ясалади:

to translate	He translated
(таржима қилмоқ),	(У таржима қилди).

Ўтган замонда ишлатилган феъллар шахс ва сонда ўзгармайди. Нотўғри феъллардан ўтган замон бошқа йўллар билан ясалади (Дарсликнинг охириги бетларига қаранг).

do — **did**; make — **made**; spend — **spent**.

Ўтган замон қўшимчаси жарангли ундошдан ёки унлидан кейин келганда [d] деб ўқилади (stayed); жарангсиз ундошдан кейин [t] деб **asked** ўқилади; t ва d ҳарфларидан кейин [ɪd] деб **wanted** ўқилди.

The Past Indefinite Tense да ишлатилган сўроқ ва бўлишсиз гап did (do нинг ўтган замони) ёрдамида (ҳамма шахсда бирлик ва кўплик учун) ясалади, асосий феъл то юкламасисиз қўлланади.

Did he work last week?	У ўтган ҳафтада ишладими?
He did not work last week	У ўтган ҳафтада ишламади.

(The Past Indefinite Tense ҳақида дарсликнинг асосий қисмида берилган)

Ўқинг ва таржима қилинг:

I worked in Moscow last year.

He opened the box yesterday.

The ship moved slowly. The motor worked well.

He showed all the animals. The foreign visitors wanted to see our farm.

A month ago they helped us in our work. Did your friend enter the University last year?

The first lecture didn't begin at 9 o'clock yesterday.

Уй вазифаси

“A Visit” диалогини ва “A Calculator” матнини назоратли ўқишга тайёрланг. Ўқиш қоидаларини жавоб бериш учун қайтаринг. Грамматик материални ўқинг ва машқни бажаринг.

LESSON 8

Дарс мавзуси: Барча ўтилган машқларни контроль ўқиш. “A Visit” диалогини ва “A Calculator” матнини назоратли ўқиш. “The Position of Women in Britain Today” матнини киритиш, ўқишга ўргатиш ва оҳанг ифодаланишининг таҳлили. Ўқиш қоидаларини ва грамматикани қайтариш.

Янги сўз ва ибораларни ўқитувчидан кейин қайтаринг:

position [pə'ziʃən] мавқе

Britain [ˌbrɪtən] Британия

spend (spent) [ˌspend, ˌspent] в сарфламоқ

take care (took care) [ˌteɪk, ˈtʊk, ˌkeə] в ғамхўрлик қилмоқ

vote [vəʊt] в овоз бермоқ

own [aʊn] а хусусий

property [ˌprɒpəti] н мулк

marriage [ˌmærɪdʒ] н уйланиш, эрга тегиш

make up (made up) [ˌmeɪk, ˈmeɪd, ˌʌp] в тузмоқ, бажармоқ

get (got) [ɡet, ɡɒt] в олмоқ

World War ['wɜːld ,wɔː] жаҳон уруши
equal ['iːkwəl] а тенг
industry [ˈɪndʌstri] п саноат
engineer ['endʒɪniə] п муҳандис
money ['mʌni] п пул
same [ˌseɪm] а шундай, айнан
job [dʒɒb] п иш
professional [prəˌfeʃənəl] а мутахассисликка оид
lawyer [ˈlɔːjə] п адвокат, оқловчи
architect [ˈɑːkitekt] п архитектор
journalism [ˈdʒəːnəlɪzm] п журналистика

Урғу ва оҳангга аҳамият бериб, ўқитувчидан кейин матнни ўқинг. Матнни ўқиётганда столни бир маромда чертиб туринг. Охирида матнни жуфт-жуфт бўлиб ўқинг.

THE POSITION OF 'WOMEN IN 'BRITAIN TODAY.

Almost a 'hundred 'years a, go the po'sition of 'women in 'Britain was 'not 'equal to ,men. 'Women 'spent 'almost ,all of their , lives in 'taking 'care of ,children. They had 'no 'right to ,vote. They could 'not 'even 'own ,property in ,marriage. 'Women 'got the 'right to ,vote after the 'First 'World ,War. 'Other 'rights 'followed 'more ,slowly. To, day 'women are 'still not ,really , equal in all res,pects.

In 'some ,industries , women 'make 'up a ,round 'half the 'labour ,force. The 'food and 'clothing , industries are e,xamples. How,ever 'women 'of-ten 'get, less , money than ,men 'even when they 'do the 'same ,job. The pay , difference can be as 'great as 'twenty per,centage. In 19, 00 the 'only pro'fessional ,jobs,open to , women were in ,teaching. There were 'no 'women ,lawyers 'engi,neers or ,architects. To, day 'women seem to 'have the 'best pro'fessional 'changes in 'edu,cation as 'teachers and pro,fessors in , medicine as ,doctors and in ,journalism.

Қуйидаги феълларни ўқинг ва эсда сақланг:

be — was, were

булмоқ, булган

spend — spent

сарф қилмоқ, сарф қилган

follow — followed

эргашмоқ — эргашган

make — made

бажармоқ — бажарган

take — took

олмоқ — олган

have — had

бор — бор эди

get — got

олмоқ — олган

seem — seemed

туюлмоқ — туюлган

write — wrote

ёзмоқ — ёзган

win — won

ютмоқ — ютган

Саволларга матндан жавоб беринг:

1. When were there great changes in Great Britain?
2. Were women equal with men in their rights?
3. Did women get the right to vote after the First World War or after the Second?
4. Did women often get less money than men for the same job?
5. What professional changes have women got after 1900?
6. When did women begin to win the top positions in politics?
7. Are there any women in the government at present?

Уй вазифаси:

“The Position of Women in Britain Today” матнидаги янги сўзларни ёдланг. Оҳанг белгиларига қараб матнни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

“A Calculator” матнини контроль ўқишга тайёрланг.

Бошланғич курсга кириш қисмининг тематик р

Дарслар	Соат-лар	Ўқитувчи биргалигида бажариладиган материал	Мус-қил п-у чу маш-лар
Lesson 1	6 с.	Кириш суҳбати. Фонетик машқлар (ФМ). Инглиз унли ва ундош ҳарфларининг ўқилиши. (I ва II тур бўгин). Ундош ҳарф бирикмаларининг ўқилиши. Пасаювчи оҳанг.	
Lesson 2	6 с.	Умумий сўроқ гапда оҳангнинг ифода-ланиши. Пасаювчи босқичли жадвал. Жумла урғуси қоида-си. Жумла вазни. Ўқиш қоидалари: III тур бўгин. Ҳарф бирикмаларининг ўқилиши ФМ-3, 4, 5	1,2 ФМ

Lesson 3	6 с.	Альтернатив сўроқ гапда оҳангни ифодаланиши. 1 — 5 ФМ сўраш. Ўқиш қоидалари: Урғули бугиндан олдинги бугинни ўқиш. Алфавит устида ишлаш. ФМ — 6, 7.	1, 2, 4, 5 ФМ
Lesson 4	6 с.	Махсус сўроқ гапда оҳангни ифодаланиши 9 — ФМ. Уй вазифасини сўраш: 6 — 7 — ФМ; 1 — 4 ФМ контроль топшириш. Алфавит устида ишлаш. IV — турбўғин. 8 — ФМ.	6 — ФМ
Lesson 5	6 с.	Саломлашишнинг оҳангда ифодаланиши. 10 — ФМ. Инглизча [ŋ] товуши. 5, 6, 7 — ФМ контроль ўқиш. “A Visit” матнини ўқиш. Ўқиш қоидаси: “O” унли ҳарфини бошқа унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқилиши.	8, 9 ФМ
Lesson 6	6 с.	Ажратилган сўроқ гапнинг оҳангда ифодаланиши. II — ФМ. Уй вазифаси. 10 — ФМ сўраш. 8, 9 — ФМ контроль ўқиш. “e” унли ҳарфини ва бошқа унли ва ундош ҳарф бирикмалари билан ўқилиши “A Calculator” матнини киритиш.	10 ФМ

Lesson 7	6 с.	“A Calculator” матнини киритиш ва ўқишни ўргатиш. Ўқиш қоидаларини қайтариш.	8, 9, 11 — ФМ
Lesson 8	6 с.	Фонетик машқларнинг барчасини контроль ўқиш. “A Visit” диалогини, “A Calculator” матнини контроль ўқиш. The Position of Women in Britain Today” матнини киритиш ва ўқишни ўргатиш.	“A Visit” диалогини, “A Calculator” матнини

АСОСИЙ КУРС

LESSON 1

Фонетика: [i-i:-a-u] товушлари, ритм ва оҳанг устида иш-лаш.

Сўз ясаш: От ясовчи суффикслар: -er, -or, -tion, -ment.

Грамматика: “To be”, “to have” феълларини The Indefinite Tenses да ишлатилиши. There is, there are ни қайтариш.

Матнлар устида ишлаш:

Text A: University

Education in Uzbekistan.

Text B: About My Family

EXERCISES, GRAMMAR NOTES, TEXTS

Фонетика

I. Ўқитувчи биргалигида куйидаги гапларни ўқинг:

'Come to ,tea.| 'Come to 'tea ,with me.| 'Come to 'tea 'with me by the ,sea.| Do you ag'ree to 'come to 'tea 'with me by the ,sea?| ,Yes, I ,do.| 'If I'm , free I'll 'come to 'tea 'with you by the ,sea.||

Ўқитувчи бир маромда столни уриб туриб ритм ва оҳанг устида қандай ишлаш кераклигини, ўзидан ёки диктордан кейин жўр бўлиб жумла ва товушларни тўғри талаффуз қилиш учун методик кўрсатмалар бериб боради.

Дарсликнинг бошланғич қисмидаги 69- бетни очинг ва “Position of Women in Britain Today” матнини яна бир бор тўғри ритм ва оҳангга амал қилиб ўқинг.

Сўз ясаш

Сўз ясовчи суффиксларни сўзнинг охирига қўшиш воситасида янги сўзлар ясади: to teach (ўқитмоқ) — teacher (ўқитувчи), to work (ишламоқ) — worker (ишчи)

Ушбу дарсада биз энг кўп қўлланиладиган от ва сифат ясовчи суффиксларни кўриб чиқамиз.

-er/or: proffessor — профессор, reader — китобхон

-tion: condition — шароит, dictation — диктант

-ment: equipment — жиҳоз, development — ривожланиш

II. Суффикслар -er, ment ни феълларга қўшиб от ясанг:

a)

to play — ўйнамоқ

to write — ёзмоқ

to read — ўқимоқ

to train — машқ қилмоқ

to describe — тасвирламоқ

to instruct — йўналтирмақ

to act — ҳаракатланмоқ

to settle — ўрнашмоқ

to measure — ўлчамоқ

to govern — бошқармоқ

to improve — яхшиламоқ

to achieve — эришмоқ

b) -tion суффиксини феълларга қўшиб от ясанг:

to create

to educate

to form

to invent

to translate

to transform

Грамматика

To be, to have феълларини The Indefinite Tenses да ишлатилиши ва **there is, there are** қоидалари дарсликнинг бошланғич қисмига кириш бўлимида берилган (иккинчи, учинчи ва тўртинчи дарсларга қаранг). Энди **to be, to have**, there is/there are нинг ҳозирги, ўтган, келаси замон шакллари қайтарамиз.

III. “**We... a large flat**” гапида феълнинг қайси формаси ишлатилади? **to have; have; has.**

Қайси гапда “**has**” ишлатилади?

1. We... a nice room.
2. They... a nice room.
3. He... a nice room.

Қайси ганда “**have**” ишлатилади?

1. She... an English book.
2. He... a newspaper.
3. We... a room in the hostel.

“**I... a lot of books**” гапида қайси феъл ишлатилади?

am; is; have.

To be ёки to have феъллари керакли формасини танлаб қўйинг

1. He... a first year student.
2. He... a lot of Russian and Uzbek books.

3. The books... very interesting.
4. Mike... a large flat.
5. He... a lot of friends.
6. They... in Tashkent now.

IV. Қуйидаги гапларни сўроқ ҳамда бўлишсиз гапларга айлантиринг

1. He has a sister.
2. They have a lot of English books.
3. Pete is at home.
4. They are students.
5. My flat is on the third floor.
6. He has a nice room.
7. You are in the first course.
8. My brother has a lot of friends at the University.

V. Қуйидаги гаплардаги феълларни Past ва Future Indefinite да ишлатинг:

- a) 1. The teacher is in the classroom.
2. The doctor is at the hospital.
3. The clerk is at the office.
4. The worker is in the dining room.
- b) 1. Are the children in the classroom?
2. Is the child in the garden?
3. Are the boys in the library?
4. Are you in the library too?
- c) 1. There is a bookshelf near the door.
2. There is a garden near the house.
3. There are two pictures on the wall.
4. There are five books on the table.
5. Is there a library at the University?
6. Is there a telephone in the dean's office?
7. There are no maps of the United States.
8. There aren't any paper on the desk.

VI. Қуйидаги сўроқ гапларга to be феъли ва not юкламасини ишлатиб, қисқа шаклда isn't, aren't, wasn't, won't деб жавоб беринг.

1. Is the train at the station?
2. Are the girls in the classroom?
3. Were the men in the car?
4. Will the boy be at school?
5. Was the boy near the door?

VII. Гаплардаги to have феълини Past ва Future Indefinite Tense да ишлатинг:

1. I have a book.
2. You have an exercise- book.
3. They have their English in the morning.
4. We have our dinner at six o'clock every day.

VIII. Сўроқ гапларга инкор жавобини hasn't, haven't, hadn't, won't деб қисқа айтинг:

Have you any idea about this film?
Has she a large family?
Had you a nice apartment in the city?
Shall I have your plan next week?

IX. Ўзбек тилига таржима қилинг:

There are some easy English texts.
There was a nice room in our flat.
There will be a set of pens and pencils on the table.
There is a beautiful theatre in our city.

X. Сўроқ гапларга ва уларнинг қисқа жавобларига аҳамият беринг:

to be феъли

Is this a book?	Yes, it is . No, it is not (it isn't)
Was the text long?	Yes, it was . No, it was not (it wasn't)
Will he be at the office?	Yes, he will . No, he will not (he won't)

To have феъли

Have you a lecture today?	Yes, we have . No, we have not (haven't)
Had she any English books?	Yes, she had . No, she had not (hadn't)
Shall I have this information?	Yes, you will . No, you will not (won't)

Ҳозирги пайтда **to have** феъли ишлатилган Present ва Past Indefinitening сўроқ ва бўлишсиз шакллари доимо **to do** ёрдамчи феъли ёрдамида ясалади.

Does he have a good library? ёки
(Has he a good library?)

Унинг яхши кутубхонаси
борми?

I don't have anything to show to you
(I haven't anything to show to you)

Менинг сизга кўрсатадиган
ҳеч нарсам йўқ

Ҳозирги замон сўзлашув тилида **бор, эга бўлмоқ** маъносини ифодалаш учун **have (has) got** обороти ишлатилади, ўзбек тилига **менда** (унда) **бор** деб таржима қилинади.

He has got (he's got) an
interesting book.

Унда қизиқ китоб бор.

I've got two sons.

Менинг иккита ўғлим бор.

Have (has) got обороти ишлатилган сўроқ гапларда **have (has)** феъли эгадан аввал қўйилади:

Has he got a sister?

Унинг опаси борми?

Have you got a large family?

Сизнинг оилангиз каттами?

Have (has) got обороти ишлатилган бўлишсиз гапларда **not** юк-ламаси **have (has)** феълидан кейин қўйилади:

I have not got (I haven't got)
a sister

Менинг опам йўқ.

He **has not got (he hasn't got)**
a large family.

Унинг оиласи катта эмас.

There is, there are обороти

Is there a lecture today?

Yes, there is.

No, there is not. (there isn't)

Were there seminars
yesterday?

Yes, there were.

**No, there were not.
(there weren't)**

Will there be a lecture
tomorrow?

Yes, there will.

No, there will not. (there won't)

XI. Куйидаги сўз ва ибораларни ўқинг ва эсда сақланг.

favourable [ˈfeɪvərəbl] қулай
 condition [kənˌdɪʃən] шароит
 research [riːsəːtʃ] илмий
 necessary [ˈnesɪsəri] керакли
 equipment [iˌkwɪpmənt] жиҳоз
 library [ˈlaɪbrəri] кутубхона
 own [ˌaʊn] шахсий
 as a rule [ˈruːl] қоида бўйича
 ground floor [ˈflɔː] пастки қават
 well-lit [ˈwelˌlɪt] яхши ёритилган
 window [ˈwɪndəʊ] дераза
 foreign [ˈfɔːrɪn] хорижий
 as well as шундай
 a lot of кўп, бир қанча
 prepare [ˈpriːpeə] тайёрламоқ
 article [ˈɑːtɪkl] мақола
 pay [ˈpeɪ] тўламоқ
 receive [rɪˈsiːv] қабул қилмоқ
 allowance [əˈlaʊəns] рухсатнома, маблағ
 correspondence [ˌkɒrɪsˌpɒndəns] сиртқи
 evening course [ˈkɔːs] кечки бўлим
 wish [ˈwɪʃ] хоҳиш
 opportunity [ˈɒpəˌtjuːnɪti] имконият
 attend [əˈtend] қатнашмоқ
 consist of [kənˌsɪst] ташкил томоқ
 assistant-professor фан номзоди
 advanced [ədˈvɑːnst] илгарилаган, яхши ўқиган
 take part [ˈpaːt] қатнашмоқ

Text A

XII. Матнини диққат билан ўқинг ва ўз университетингиз таълими ҳақида қисқача ҳикоя тузинг

UNIVERSITY EDUCATION IN UZBEKISTAN

There are a number of Universities in Uzbekistan. They are mainly in Tashkent, Samarkand, Fergana and Nukus. Of these National University

of Uzbekistan is the oldest one. As a rule a University consists of a number of different departments.

The students of our University have favourable conditions for study and research: they have necessary equipment, laboratories and libraries. Each department has its own library and reading rooms. The reading-rooms are on the ground floor. They are large, well-lit with many windows. There are Uzbek, Russian and foreign books, as well as newspapers and magazines there. One can see a lot of students in the reading-rooms before and after classes. They can prepare for their lessons there, read articles and books. The students who do well receive an allowance from the University. There are also correspondence and evening courses for those who wish to combine work and study. At these courses all students have an opportunity to attend lectures and to have laboratory classes and consultations. The teaching staff consists of professors, assistant-professors, senior teachers and teachers. Advanced students can take part in research.

XIII. Қуйидаги саволларга матндан фойдаланиб жавоб беринг:

1. Are there many Universities in Uzbekistan?
2. Do the students of your University have good conditions for study?
3. How many departments are there at your University?
4. Does your department have its own library?
5. What books are there at your library?
6. Do your students pay for their studies?
7. Do they receive an allowance from the University?

XIV. Предлогларга эътибор бериб гапларни таржима қилинг:

1. There were a lot of departments at our University.
2. Our University consists of a number of different departments.
3. The University is at the end of the University Avenue.
4. There are a lot of books on the shelf.
5. The book is in my bag.
6. There are various pencils in the box.

Text B

XV. Матнини ўқинг ва гапириб беринг:

ABOUT MY FAMILY

My name is Nodira. I am 19 years old. My father is an engineer. My mother is a teacher. I have got two brothers and a sister. My elder brother

is a student. My younger brother is a schoolboy. My little sister is only four years old. We have a grandmother, but we have no grandfather.

We live in the centre of Tashkent. Our house is a four-storeyed building. Our flat is on the third floor. We have three rooms: a living-room, a bedroom, and my father's study. Besides there is a bathroom, a large kitchen and a hall.

XVI. Саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. How old are you?
2. What are your parents?
3. Have you got a sister and a brother?
4. What is your elder brother?
5. Have you got a grandmother?
6. Where is your house?
7. How many rooms are there in your flat?
8. Is your kitchen large?

XVII. Диалогни роллар бўйича ўқинг

- | | |
|--|------------------------------------|
| A.. — Is there a bookcase in your living room? | B — Yes, there is. |
| A. Are there any books in it? | B. Yes, quite a lot. |
| A. Are there any English books there? | B. Yes, there are some |
| A. What is there under the window? | B. A radiator |
| A. Can you see it? | B. No, I can't |
| A. Why not? | B. Because, it is behind the sofa. |
| A. Is there anything on the small table? | B. Yes, there is an ashtray. |
| A. Is there anything else on it? | B. Yes, there are some newspapers |
| A.. Do you like your living-room? | B. Yes, I do. |

XVIII. Қуйидаги сўз ва ибораларни ишлатиб, ўз онлангиз ва уйингиз ҳақида гапиринг

parents — ота-она
wife — рафиқа
husband — эр
cousin — жиян
aunt — хола, амма
to be born — туғилмоқ
cupboard — идиш-товоқ жавони

uncle — амаки, тоға

my (his, her..) own room — менинг (унинг) хонам

bathroom — ювиниш хонаси

TV set — ойнаижаҳон

comfortable — қулай

furniture — жиҳоз

bookcase — китоб жавони

sofa — диван

Мустақил ишлаш учун вазифалар

XIX. Қуйидаги гапларни бўлишсиз гапга айлантиринг:

1. Some students of the University are from Tashkent.
2. The University has a large library.
3. There are books in foreign languages at that library.
4. The students of the University have new equipment in their laboratories.

XX. Қуйидаги гапларни сўроқ гапларга айлантиринг:

1. There is no reference book on the table.
2. This department has its own building.
3. My friend is a second year student.
4. That book was very interesting.
5. They have new instruments at their laboratory.
6. That girl will not be a student.
7. That young man is an engineer.
8. There was a new building in the street.
9. I had all the necessary books for my studies.
10. This student was a member of the amateur dancing circle.

LESSON 2

Фонетика: [æ — е — э] товуши, ритм ва оҳанг устида ишлаш

Сўз яшаш: -full, -less, -al, сифат ясовчи суффикслар.

Грамматика: Феълнинг асосий формалари ва уларнинг гаплардаги вазифаси The Present Indefinite Tense (Ҳозирги ноаниқ замон). The Degrees of Comparison (Сифат ва равиш даражалари)

Матнлар устида ишлаш:

Text A Lake Baikal

Text B Seasons of the Year

Фонетика:

I а) Қуйидаги гапларни ўқитувчи биргалигида ўқинг:

'That's the 'man who had a ,hat ,on. |

'That's the 'very 'man who had a 'felt hat ,on. |

'That's the 'very 'man who 'had a 'felt hat ,on when it was ,hot. ||

b) The Present Indefinite Tense учинчи шахс бирликда -s ёки -es қўшимчаларини олади, уларнинг ўқилишига аҳамият беринг:

[s]	[z]	[iz]
sets	turns	rises
works	reads	washes
wants	listens	changes
puts	learns	closes
takes	boils	freezes
makes	feels	misses

Сўз яшаш: Сифат ясовчи суффикслар:

-full: beautiful — гўзал (beauty — гўзаллик); forgetful — эсидан чиқарадиган

-al: national — миллий (nation — миллат); physical — физикавий

-less: useless — фойдасиз (use — фойдаланиш); handleless — қўлсиз.

II. Сифат ясовчи суффикслар қўшилган сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг:

a) helpful (help — ёрдам); powerful (power — куч); watchful (watch — кузатмоқ); wonderful (wonder — мўъжиза);

b) economical, potential, cultural, structural, vertical;

c) moonless (moon — оймома); childless (child — бола); helpless (help — ёрдам).

Грамматика

I. Феълнинг асосий формалари

Инглиз тилида феълнинг тўртта асосий формалари бор, улар **to**

be ва **to have** ёрдамчи феъллари билан содда ёки қўшма феъллар ясайди, замон шакллари ясайди.

Улар:

- (a) — The Infinitive,
- (б) — The Past Indefinite Tense,
- (в) — The Past Participle ёки (Participle II)
- (г) — The Present Participle ёки (Participle I).

II. Феълнинг асосий формаларининг вазифалари

Феълнинг I формаси The Infinitive ҳозирги ва келаси замони яшаш учун ишлатилади.

I write letters to my sister every month. — Мен синглимга (опамга) **ҳар ойда** хат ёзаман.

I **shall write** a letter to my sister tomorrow — Мен синглимга (опамга) эртага хат ёзаман.

Феълнинг II формаси The Past Indefinite оддий ўтган замондан ясади.

Бизга маълумки, (бошланғич курсга кириш қисмидан) ясашига кўра Past Indefinite иккита гуруҳга бўлинади: тўғри ва нотўғри феъллар. Тўғри феъллардан ўтган замон феъл негизига **-d** ёки — **ed** қўшимчаси қўшиш билан (worked, translated), нотўғри феъллардан эса ҳар хил йўл билан, кўпинча феъл негизи ўзгариши билан ўтган замон ясади (to write — **wrote**, to come — **came**, to see — **saw**), айрим феъллар ўзгармайди (to cut — cut)

I **wrote** letters to my sister. — Мен опамга хат ёздим.

I **studied** some English words. — Мен бир неча инглиз сўзларини ўргандим.

Феълнинг III формаси Past Participle (Participle II) феъллардан (Perfect) тугалланган замон ва мажҳул нисбат яшаш учун ишлатилади. Феълнинг IV формаси Present Participle (Participle I) давомли феълларни (Continuous Tenses) яшаш учун ишлатилади.

The Present Indefinite Tense (Ҳозирги ноаниқ замон):

Ҳозирги ноаниқ замон (The Present Indefinite Tense).

The Present Indefinite Tense кўпинча every day (week, month, year) always, usually сўзлари билан ясади. Ушбу дарсликнинг бошланғич қисмига кириш қисмида бу ҳақда маълумот берганмиз (иккинчи дарсга қаранг).

The Present Indefinite Tense нинг ясалиши ва ишлатилишини қайтарамиз:

Булишли шакли	Суроқ шакли	Булишсиз шакли
1. I work	1. Do I work?	1. I do not work.
2. You work	2. Do you work?	2. You do not work.
3. He (she, it) works	3. Does he (she, it) work?	3. He (she, it) does not work.
1. We } work	1. Do we work?	1. We } do not work.
2. You }	2. Do you work?	2. You }
3. They }	3. Do they work?	3. They }

Қисқа жавобларнинг шакли **do not — don't, does not -- doesn't**.
Энди The Present Indefinite Tense ни машқларда қайтарамиз.

III. Қуйидаги сўзларнинг ўқилишини машқ қилинг, -s, -es ларнинг ўқилишига эътибор беринг:

I see. She sees. She sees it.
I spend. He spends. He spends it.
I keep. It keeps. It keeps it.
I fix. It fixes. It fixes it.
I feel. She feels. She feels it.
I make. He makes. He makes it.
I miss. She misses him.
I meet him. She meets him.

IV. Феълларнинг тўғри шаклини танланг:

1. Every day I (get, gets) up at 7 o'clock.
2. Ann (lives, live) near the Institute.
3. (Do, does) he go to the University?
4. Mike (finish, finished) school two years ago.
5. We (speak, speaks) English at the lesson.
6. Our scientists (examines, examine) a new method.
7. When (do, does) you go to the University?

The Degrees of Comparison (Сифат ва равиш даражалари)

Предметдаги бир хил белгини миқдорига кўра нисбатлаб ёки иш-ҳаракатдаги ҳолатни ўзаро бир-биридан фарқлаш ҳодисаси сифат ва равиш даражалари дейилади.

Инглиз тилида сифатларнинг уч даражаси бор: оддий даража, қиёсий даража ва орттирма даража.

short	— қисқа (<i>оддий даража</i>)
shorter	— қисқароқ (<i>қиёсий даража</i>)
(the) shortest	— энг қисқа (<i>орттирма даража</i>)

Қиёсий даража оддий даражадаги сифатга **-er** қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қўшимча ўзбек тилидаги **-роқ** қўшимчасига тўғри келади.

Орттирма даража оддий даражадаги сифатга **-est** қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қўшимча ўзбек тилида сифат олдида келадиган *энг, жуда* сўзларига мос келади.

Қуйидаги жадвалда бир ёки икки бўгинли сифатнинг уч даражасини яшаш усуллари берилган.

Оддий даража Positive degree	Қиёсий даража Comparative degree	Орттирма даража Superlative degree
long — узун big — катта pretty — ёқимли	longer — узунроқ bigger — каттароқ prettier — ёқимлироқ	(the) longest — энг узун (the) biggest — энг катта (the) prettiest — энг ёқимли

Кўп бўгинли сифатларнинг қиёсий ёки орттирма даражалари сифат олдида **more** (қиёсий даражада) ёки **the most** (орттирма даражада) сўзлари ёрдамида ясалади:

wonderful — ажойиб; **more wonderful** — ажойиброқ;

the most wonderful — (энг) жуда ажойиб;

Incredibly mysterious
 He's not the man that he seems.
 Yes, Peter is a mystery,
 Yes, he is a mystery,
 He's not the man that he seems.
 Why does he, how does he, where does he go?
 Peter the mystery man,
 Who does he, how does he, what does he know?
 Peter the mystery man.

Chorus: Nobody knows where Peter goes...

МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ

VI. Қуйидаги сўзларнинг ўқилишини машқ қилинг:

Asia [ˈeɪʃə] — Осиё
 area [ˈeəriə] — майдон
 Belgium [ˈbeldʒəm] — Бельгия
 heart [hɑ:t] — юрак
 hydroelectric [ˈhaɪdrouˌlektɹɪk] — гидроэлектрик
 scenery [ˈsiːnəri] — пейзаж, табиат тасвири
 Siberian [saɪˈbiəriən] — Сибирлик, Сибирдаги
 tremendous [triˌmendəs] — кенг
 Caucasus [ˈkɔːkəsəs] — Кавказ
 climate [ˈklaɪmɪt] — об-ҳаво
 Holland [ˈhɒlənd] — Голландия
 pollution — ифлосланиш

Text A

VII. Матнини ўқинг ва таржима қилинг:

LAKE BAIKAL

Baikal is one of the most beautiful lakes in the world. It is in the heart of Asia. It is twice as large as lake Ladoga. The area of this lake is as large as Belgium or Holland.

Baikal is 636 (six hundred and thirty-six) kilometres long, from 25 (twenty five) km to 79 (seventy-nine) km wide and 1,741 (one thousand seven hundred and fortyone) m deep. It is the deepest lake in the world.

Baikal has very much water, its volume is more than the volume of water in the Baltic Sea. The water of Baikal is cold. It is colder than the water of so many other lakes.

Baikal is more beautiful than other Siberian lakes. The scenery around its shores is as beautiful as that of the Caucasus. The climate here is colder than the climate of the Caucasus.

Do you know that more than 300 (three hundred) rivers flow into this lake and only one river, the Angara, flows out? This river carries a tremendous volume of water, it is very powerful and deep, and has a very strong current, much stronger than the current of the Volga. That is why Angara freezes later than lake Baikal.

Nowdays the scientists are facing (муаммолар олдида турибди) the problem of pollution Baikal as so many other rivers and lakes.

VIII. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. How large is Baikal? 2. Is the water of Baikal cold or warm? 3. How many rivers flow into Baikal? 4. What Russian river has a much stronger current than the current of the Volga? 5. What great lakes in Russia do you know? 6. What lake is twice as large as Baikal? 7. How deep is Baikal? 8. What is the temperature of the water in Baikal? 9. Does the Angara flow into Baikal or out of it? 10. Why does the Angara freeze later than lake Baikal? 11. What problems is Baikal facing nowdays?

IX. Гаплардаги феълларни бўлишсиз шаклга айлантиринг:

1. I know the names of very many lakes. 2. The water of this lake freezes. 3. This river carries much water. 4. My brother has a book about the seas and rivers of Africa. 5. There is a map of Uzbekistan on the wall. 6. The temperature in this room is very high.

X. Қуйидаги гапларга саволлар тузинг:

1. Our people build great hydroelectric stations on many rivets. (Who...? What...? What stations...? Where...?)

2. I like to speak to my teacher about lakes and rivers/ (Who...? What... about? Who... with?)

3. The students of our University have their camp on the Charvak man-made (сунъий) sea coast/ (What students...? What...? Where...?)

XI. Қуйидаги гапларни таржима қилишда as... as, not so... as, than ларга эътибор беринг:

1. The area of Baikal is as large as that of Belgium.

2. The Volga is not so deep as the Angara.

3. The research work of this student is more interesting than that of the other students.

4. Lake Ladoga is not so beautiful as Baikal.

5. Our laboratory has fewer instruments for this work than yours.

6. Your mother is the same age as my father is.

XII. Нуқталар ўрнига сўз бирикмаларидан бирини танлаб гапларни тулдилинг

My sister speaks English... She speaks English... my brother but you speak the language... of the three (well, better than, best). Baikal is a... lake. This lake is... lake of all the lakes in Siberia. It is... than Ladoga (beautiful, more beautiful, the most beautiful).

I read... but my brother reads... than I do, and our friend reads... of all (much, more, the most).

XIII. Сифат даражаларига эътибор бериб таржима қилинг:

the worst, little, bad, the best, the farthest, good, worse, less, better, the least, further, farther.

Text B

XIV. Матнни диққат билан ўқинг ва саволларга жавоб беришга тайёрланинг:

SEASONS OF THE YEAR

There are four seasons in the year: spring, summer, autumn or fall, as the Americans call it, and winter.

The winter months are: December, January and February. Winter weather varies widely in our country. It is very cold in the North and warm in the South.

Spring is the most pleasant season of the year. Every one wants to go to the country and enjoy the nice season. Spring lasts three months: March, April, May.

Summer is the best season for different sports in the open air. Most people have their vacations during the summer months which are June, July and August.

Autumn is a very beautiful season. Many people like autumn best of all. The leaves on the trees are red and yellow in September. Towards the end of October it often rains, the weather gets colder in November and in December winter comes.

XV. Саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. What are the four seasons of the year?
2. When does summer begin?
3. What is the weather like in winter in the North of our country?
4. What is the best season for different sports in the open air?
5. Do you like autumn?
6. When do people often take their vacations?
7. Are January and February spring months?
8. What months of the year do you like best?
9. What season comes after winter?
10. Is it summer now?

XVI. Диалогни роллар бўйича ўқинг

- A. The weather is fine, let us go to the country.
B. I'll go to the country with pleasure. The weather is really fine.
There is not a cloud in the sky.
I like autumn very much.
A. So do I. But you know how quickly the weather can change in autumn.
B. That's true. It may rain any day in October.

XVII. Берилган сўз ва ибораларни қўллаб қисқа ҳикоя тузинг:

- М а в з у л а р: 1. My favourite season. 2. Spring.
3. What's the weather like today?

The weather is pleasant today;	It is going to rain;
Isn't it hot today?	It looks like snow;
The temperature is 30 degrees	It is too cold in winter;
Centigrade above zero;	I like spring best;
The temperature is 20 degrees	cloud; wind; summer;
below zero;	winter

Мустақил иш учун вазифалар

XVIII. Берилган феълларнинг транскрипциясини ёзинг:

Takes, goes, lives, flows, lines, does, helps

XIX. Иш-ҳаракат ёки ҳолатни учинчи шахс бажаришини кўрсатинг.

Н а м у н а:

I seldom take an umbrella (соябон).
Alisher seldom takes an umbrella too.

1. I like cold weather.
2. I go in for sports.
3. I have my vacation in summer.
4. I come to the University at about 9 o'clock.
5. I get up very early.

XX. Доим бажариладиган иш-ҳаракатни англатувчи гапларни биринчи шахсда айтинг:

М о д е л: Anvar takes this bus. I often take this bus too.

1. Anvar takes books from the library.
2. He undergoes practical training.
3. She goes to Baikal for her holiday.
4. He swims every day.
5. She knows the names of many lakes.

XXI. Инглиз тилидаги сўз тартиби қондасига амал қилиб гапларни таржима қилинг:

Деворда Осиё харитаси бор. Биз жуда кўп дарё ва кўлларни кўра-миз. Уларнинг энг каттаси Бойқол кўлидир. Бойқол кўлидаги сув Болтиқ денгиздаги сувдан кўп. Амударё ва Сирдарё Ўрта Осиёдаги энг узун дарёлар. Лекин бу дарёларнинг суви Орол денгизига тўла етиб бормаяпти. Орол денгизи дунёдаги қуриб бораётган денгизлар-дан биридир.

LESSON 3

Фонетика: [е-э-ә:еэ-і] товушлари, ритм ва оҳанг устида иш-лаш.

Сўз яшаш: Саноқ ва тартиб сон ясовчи суффикслар: -ty, -teen, -th

Грамматика: 1. The Past Indefinite Tense in the Active Voice. (Ноаниқ ўтган замон аниқ нисбатда).

2. Kinds of Subordinate Clauses. (Эраш гапнинг турлари)

Матилар устида ишлаш. Текст А: The Ancient
Cities of Middle Asia.
Текст В: Tashkent.

EXERCISES, GRAMMAR NOTES, TEXTS

Фонетика

I. Қуйидаги гапларни ўқитувчи биргалигида ўқинг:

The 'nurse told ,nursery,tales.| 'Very 'often the 'nurse told ,nursery ,tales| about 'bears, ,hares and 'many other ,animals.| 'Very 'often the 'nurse told nursery tales| about 'bears, ,hares and 'many other 'animals to her ,children.||

Past Indefinite Tense даги тўғри феълларнинг ўқилишига аҳамият беринг:

[d]	[t]	[id]
learned	helped	ended
loved	finished	repeated
listened	smoked	tasted
lived	talked	waited
moved	worked	wanted
opened	dressed	decided
stayed	thanked	translated

Сўз ясаш

II. Бошланғич кириш қисмидаги саноқ ва тартиб сонларнинг ўқилишига амал қилиб, уларни ўқинг

20-twenty	13-thirteen	4-fourth
30-thirty	14-fourteen	5-fifth
40-forty	15-fifteen	6-sixth
50-fifty	16-sixteen	7-seventh

Дарсликнинг бошланғич қисмига кириш қисмидаги саноқ ва тартиб сонлар ҳақидаги маълумотни яна бир бор ўқиб, машқларни ўқитувчи биргалигида бажаринг.

Қуйидаги саноқ сонлардан тартиб сонлар ясанг:

Н а м у н а: thirty-two; thirty-second; ten-tenth.

twenty-one, six, seventy, seventy-two, twelve, thirty-seven, five, one, sixty-three, eleven, sixty-nine, seventy-four, one hundred and seventy-two.

Куйидаги сўз бирикмаларини ўқинг ва инглиз тилига таржима қилинг: ўн саккиз, ўн саккизинчи, икки, иккинчи, йигирма беш, ўн олтинчи январ, биринчи май, туққизинчи ноябр, биринчи сентябр, иккинчи курс толиби, йигирма иккинчи уй, йилнинг биринчи фасли, баҳорнинг иккинчи ойи, ўн бешинчи хона, декабр йилнинг ўн иккинчи ойи.

Грамматика

The Past Indefinite Tense (Ноаниқ ўтган замон)ни ясалиши ва ишлатилиши.

The Past Indefinite Tense кўпинча гапда yesterday, ago, last year каби пайт равишлари билан ишлатилади, иш-ҳаракатни ўтган замонда бажарилганини билдиради (бошлангич қисмдаги еттинчи дарсга қаранг).

The Past Indefinite Tense нинг ясалишини ва ишлатилишини қайтарамиз.

Тўғри феъл to work ва нотўғри феъл to go the Past Indefinite Tense да

Бўлишли шакли	Суроқ шакли	Бўлишсиз шакли
1. I 2. You 3. He She It	1. Did I work (go)? 2. Did you work (go)? he 3. Did she work (go)? it	1. I 2. You 3. He She It
1. We 2. You 3. They	1. Did we work (go)? 2. Did you work (go)? 3. Did they work (go)?	1. We 2. You 3. They

did not — didn't деб қисқа айтилади.

Суроқ гапларнинг жавобларига эътибор беринг.

Did you work at the office last year? **Yes, I did.**

Did he speak English? **Yes, he did.**

Did you see him yesterday? **No, I didn't**

Did she pass her exam last week? **No, she didn't**

Ушбу замоннинг бўлишли шакли тўғри феълларнинг утган замон феъл негизига **-d** ёки **-ed** қўшимчаси қўшиш билан ясалади. Нотўғри феъллардан утган замон кўпинча феъл ўзаги ўзгариши билан ясалади, айрим феъллар ўзгармайди. Нотўғри феъллар жадвали ушбу дарсликнинг охирида берилган.

Past Indefinite ишлатилган гапларнинг сўроқ формаси **to do** кўмакчи феълининг **did** формаси ёрдамида ясалади. Ҳамма шахслар учун бирлик ва кўликда **did** ишлатилади ва эгадан аввал келади, саволга асосан қисқа жавоб берилади.

Did you translate the article yesterday?	Сиз мақолани кеча таржима қилдингизми?
---	--

Yes, I did.	Ҳа.
--------------------	-----

No, I didn't	Йўқ.
---------------------	------

Бўлишсиз гапда **not** юқламаси **did** ёрдамчи феълдан кейин қўйилади.

She **did not (didn't) translate** the article yesterday. — У мақолани кеча таржима қилмади.

Энди ушбу қондани машқларда мустаҳкамлаймиз.

III. Қайси гапда **to go** феъли утган замонда ишлатилган?

1. He goes to school every day.

2. He went to school yesterday.

“Биз бу машқни утган дарсда ёздик” гапининг тўғри таржимасини топинг.

1. We wrote this exercise at the last lesson.

2. We write exercises at the lesson.

Қайси гапнинг сўроқ формаси **to do феълининг **did** шакли билан ясалади?**

1. We had an English lesson yesterday. 2. We went to the cinema yesterday. 3. We were at the cinema yesterday.

He spoke German at the lecture гапига қайси сўроқ гап тўғри келадими?

1. Does he speak German at the lecture?
2. Did he speak German at the lecture?

Нотўғри феълларнинг 4 та шаклини ёзинг ва ёд олинг:

to begin, to leave, to make, to become, to be, to know, to build.

IV. Иккитадан бўлиб ишлаш учун диалог:

A: Кеча кечкурун сиз қаерда эдингиз? B: Where were you last night?

A: I was at the cinema B: Мен кинода эдим.

A: Ким билан? B: Who with?

A: I was there alone. B: Мен у ерда бир ўзим эдим.

A: Қандай фильм кетаётган эди? B: What film was on?

A: A new film about school. B: Мактаб ҳақида янги фильм.

A: Сизга фильм ёқдими?

B: Did you enjoy the film?

A: Oh, no. I didn't

B: Йўқ. Менга ёқмади.

V. Дарсликнинг бошланғич курсига кириш қисмидаги сўроқ оломошларига (Interrogative Pronouns) қаранг ва саволларга жавоб беринг:

1. Who is your teacher of English?
2. Who is absent today?
3. How many classes have you got today?
4. What classes have you got today?
5. Whose bag is this?
6. Where is your English book?
7. When do your classes begin?
8. Why are you late sometimes?
9. What is your first name?
10. How many students are there in your group?
11. What is your family name?

VI. Қавс ичида берилган сўзларни ишлатиб саволлар тузинг:

1. He learnt English at school (where)
2. It rained during the night (when)
3. He worked in the Far East for two years (how long)
4. Yesterday I received a letter (when)

5. He graduated from the University a year ago (when)

6. My speciality is physics (what)

Kinds of Subordinate Clauses. Инглиз тилида бир неча хил эргаш гаплар бор: аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол (ўрин, пайт), сабаб ва шарт эргаш гаплар.

Бош гаптаги от ёки олмошнинг аниқловчиси вазифасида келган гап **аниқловчи эргаш гап** дейилади. Аниқловчи эргаш гап гапга **what** [wɒt] қандай, **which** [wɪtʃ] қайси, **who** [hu:] ким, **whom** [hu:m] кимни, **whose** [hu:z] кимнинг, **when** [wen] қачон, **where** [wɛə] қерда сузлари билан боғланиб келиши мумкин.

Ўзбек тилига содда гап бўлиб таржима қилинади.

There are a lot of students in our group **who** speak English well.

There are a lot of students in the University **whom** I don't know.

Бизнинг гуруҳимизда инглизча яхши гапирадиган жуда кўп талабалар бор.

Университетда мен билмайдиган кўп талабалар бор.

Бош гапнинг феъл кесимига тўлдирувчи бўлиб келадиган эргаш гаплар **тўлдирувчи эргаш гап** дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга **who, which, what, when, where, how, why, whatever, whoever, whichever** каби боғловчилар ва боғловчи равишлар билан боғланиб келиши мумкин, ўзбек тилига содда ёйиқ гап бўлиб таржима қилинади.

I'll tell you when he is back.

I don't know where he lives.

Мен сизга унинг қачон қайтишини айтаман.

Мен унинг қерда яшашини билмайман.

Бош гап таркибидаги феъл, сифат ва равишни характерлаб, қўшма гап составида ҳол вазифасида келувчи эргаш гаплар **ҳол эргаш гаплар** дейилади. Ҳол эргаш гаплар пайт, ўрин ва сабаб эргаш гаплар бўлиб, ўзбек тилига ҳам эргаш гап бўлиб таржима қилинади.

Пайт эргаш гап бош гапга **when** — қачон, **while** — давомида, **till** — ...гача, **until** — ...гача, **after** — кейин, **before** — аввал каби боғловчилар билан боғланиб келади.

Please, stay here until I return.

You should see the doctor before you go back to the University.

Илтимос, мен келгунимча шу ерда қолинг.

Университетга қайтгунингизгача сиз шифокорга кўринишингиз керак.

Ўрин эргаш гап бош гапга where — қаерда, wherever — ҳар ерда боғловчилари билан боғланади.

Wherever I go it's the same thing. — Қаерга борсам — ҳаммаси бирдай.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини билдирувчи эргаш гап *сабаб эргаш гап* дейилади. Сабаб эргаш гап бош гапга **for, the reason that** — шунинг учун, **since** — шундан бери, **because** — чунки, **why** — нима учун, **as** — шунинг учун боғловчилари ёрдамида боғланади. Ўзбек тилига сабаб эргаш гап бўлиб таржима қилинади.

I couldn't go to the University yesterday because I was ill.

My friend works hard at his English, as he wants to speak the language well.

Кеча мен университетга бора олмадим, чунки мен касал эдим.

Менинг дўстим инглиз тили устида кўп ишлайди, чунки у инглиз тилида яхши гапиришни хоҳлайди.

VII. Гапларни ўқинг, таржималарни солиштиринг ва эргаш гапнинг турларини аниқланг.

1. The book that you gave me was not so interesting.

2. He told us that he felt ill.

3. I have a sister who lives in Samarkand.

4. Mike asked us what we thought of it.

5. The exercise which you gave us at the last lesson was very difficult.

6. They heard that she lived in London at that time.

7. The new words that we learned at home are used in this text.

1. Сиз менга берган китоб, унчалик қизиқ эмас экан.

2. У бизга ўзини ёмон ҳис қилганини айтди.

3. Менинг Самарқандда яшайдиган опам (синглим) бор.

4. Майк биздан бу нарса ҳақидаги фикримизни сўради.

5. Сизнинг бизга охириги дарсда берган машқингиз жуда қийин экан.

6. Улар унинг ўша пайтда Лондонда яшаганини эшитган эдилар.

7. Биз уйда ўрганган янги сўзлар мана шу матнда ишлатилган.

VIII. Куйидаги гапларни таржима қилинг

1. The book which you gave me yesterday is very interesting. 2. I shall always remember the school where I studied. 3. I don't know where he lives. 4. When I studied at school I lived with my grandfather. 5. I missed the lectures because I was ill yesterday. 6. Please, tell him that I'll be back at 6 o'clock. 7. I don't know who they are speaking about. 8. I'll read my notes while you are having your breakfast. 9. This is student you wanted to speak to. 10. I think that he is right. 11. I can't say that I liked the book very much. 12. The south-east of Great Britain is separated from France by the English Channel which is 32 km wide at its narrowest point.

МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ

IX. Куйидаги сўзларни ўқинг ва эсда сақланг:

museum	[mju:ziəm]	музей
ride	[ˌraid]	сайр қилмоқ (отда)
car	[ˌka:]	машина
highway	[ˌhaiwei]	катта йўл
boundless	[ˌbaundlis]	чексиз
cotton	[ˌkɒtn]	пахта
visitor	[ˌviziʔə]	меҳмон
century	[ˌsentʃuri]	аср
towards	[təˈwɔ:dz]	томон
narrow	[ˌnærou]	тор
blind	[ˌblaind]	берк
market	[ˌma:kit]	бозор
ancient	[ˌeɪnfənt]	қадимий
architecture	[ˌa:kiˌtektʃə]	архитектура
alley	[ˌæli]	хийбон, йўлка
outdoor	[ˌaʊtˌdɔ:]	очиқ ҳавода
cover	[ˌkʌvə]	қопламоқ
education	[ˌedju:ˌkeɪʃən]	таълим, маълумот
mausoleum	[ˌmɔ:səˌliəm]	мақбара, мавзолей

X. Матни ўқинг ва Самарқанд ҳақида гапириб беринг:

THE ANCIENT CITIES OF MIDDLE ASIA

The ancient cities in Middle Asia are Khiva, Samarkand and Bukhara. Khiva lies some 30 km from Urgench, the administrative centre of Khoresm region of Uzbekistan. A thirty minutes ride by car along the highway lined by boundless cotton plantations takes the visitor to a city ten centuries old. Towards the beginning of the seventeenth century Khiva was the capital of Khorezm. The inner city of Khiva Ichan-Kala divides the town into parts a new one and an old one. The narrow streets, blind alleys, market squares, ancient architecture monuments Djuma Mosque leaves no one indifferent.

The architecture of Khiva with its monumental forms, wonderful monuments and old paintings made it an outdoor museum. Another attractive monument of the 14 th century of Khiva is the Seyid Allauddin mausoleum and beautiful mausoleum of a famous philosopher and poet Pahlavan Makhmud.

The ancient artists decorated these mausoleums with colourful ornament. The other two world famous towns of Middle Asia Samarkand and Bukhara formed the architectural assembly known throughout the world. These towns were the centres of education and trade. The great astronomer Ulugbek built his observatory in Samarkand in Middle Ages and nowadays it is a museum visited by many tourists.

XI. Қуйидаги сўзлар ишлатилган гапларни матндан топинг ва эсда сақланг:

leave	[ˌli:v]	ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ
painting	[ˌpeintiŋ]	расм, тасвир
become	[biˌkʌm]	бўлмоқ
attractive	[əˌtræktɪv]	мафтункор, кўркем, ёқимли
famous	[ˌfeɪməs]	таниқли, атоқли
trade	[ˌtreɪd]	савдо-сотиқ
nowadays	[ˌnaʊədeɪz]	ҳозир, шу кунлар
tourist	[ˌtuəɪst]	сайёҳ
decorate	[ˌdekəreɪt]	ясатмоқ, безатмоқ

XII. Саволларга қисқа жавоб беринг:

1. Is Khiva a new town?
2. Does it lie 30 km from Urgench?
3. Does it take a 30 minutes ride by car to Khiva?
4. Does Ichan-Kala divide Khiva into two parts?
5. Does the architecture of Khiva form a wonderful monument?
6. Is the Seyid Allaiddin mausoleum an attractive monument of the 14th century?
7. Was Pahlavan Makhmud a famous philosopher and poet?
8. Were Samarkand and Bukhara the centres of education and trade in Middle Ages?
9. Did Ulugbek build his observatory in Middle Ages?

XIII. Саволларга тулиқ жавоб беринг:

1. What architectural monuments do you know?
2. Where do they stand?
3. What do you know about Ichan-Kala?
4. How does Djuma Mosque look like?
5. What an outdoor museum do you know?
6. How did the ancient artists decorate mausoleums?
7. Who was a famous philosopher and poet in Middle Ages?
8. Where were the centres of education and trade in Middle Ages?
9. What did Ulugbek build in Samarkand?

XIV. Қуйидаги гапларни сўроқ гапга айлантиринг:

1. The students of our University have all the necessary facilities for their research.
2. Our University library supplies students with many foreign books.
3. The monuments to the two great patriots made a deep impression on a group of foreign journalists.
4. We showed the new laboratory to some foreign students.
5. We saw very many visitors from various towns of our country in Samarkand.
6. The University library possesses a lot of historical manuscripts.

XV. Қуйидаги гапларнинг феълларини бўлишсиз шаклга айлантиринг:

1. A group of students from Germany visited the new building of our laboratory two hours ago.
2. My friend headed the research work at the Institute last year.

3. We showed them the new scientific instruments yesterday.
4. They knew very many people in our town several years ago.
5. The water in this lake froze very early last year.
6. I found necessary books in our library.
7. He took part in the research work of our University.

Text B

XVI. Матни диққат билан ўқинг ва саволларга жавоб беришга тайёрланинг:

TASHKENT

Tashkent is a beautiful city. It is the capital of Uzbekistan. It takes up an area of 220 square kilometres and its population is about 3 million people.

Tashkent is a city of gardens and flowers, a city of numerous shady parks and artificial lakes.

The climate in Tashkent is continental with a dry, long summer and a short winter. Tashkent is an industrial city. There are lots of mills and factories in it. The capital of Uzbekistan is often called a town of peace and friendship. The whole country remembers the earthquake of April, 1966, that struck Tashkent. The people of different nationalities took part in the reconstruction of the city. That is why the capital of Uzbekistan today is a sort of museum of the architecture of the peoples, from different republics. Tashkent metro is the pride of the city. All the stations look like underground palaces.

XVII. Қуйидаги саволларга жавоб бering:

1. What is your name?
2. Where do you live?
3. What street do you live in?
4. Are you proud of your native town?
5. What reasons have you for being proud of your native town?
6. Is Tashkent an industrial city?
7. How many railway stations are there in Tashkent?
8. What is the climate in Tashkent?
9. What area does Tashkent take up?
10. Who took part in the reconstruction of Tashkent?

XVIII. Диалогни роллар буйича ўқинг:

- | | |
|--|---|
| A: Which are the best places of interest in Tashkent? | B: It's really very hard to say. There are so many wonderful places worth seeing in Tashkent. |
| A: I should like to start sightseeing with the Central Square. | B: That's a good idea. But it would be best for you to join a group of tourists. |
| A: Oh, thank you for your good advice. | B: Not at all. |
| A: Good-bye. | B: Good-bye and good luck to you. |

XIX. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини ишлатиб қисқача ҳикоя тузинг:

М а в з у л а р:

1. I visited my friend's native town.
2. My favourite place in Tashkent.

to live in some town and in some street	бирор шаҳар ва кўчада яшamoқ
to live together with one's family	кимнингдир oilаси билан бир-галикда яшamoқ
to be proud of	мағрурланmoқ, фахрланmoқ
to have reasons for doing something	бирон нарса қилmoқ учун баҳона қилmoқ
a large (small) town	катта (кичик) шаҳар
to be famous for something	бирон нарса билан машҳур бўлmoқ
to be famous the world over	дунёда машҳур бўлmoқ
to be connected with	боғлиқ бўлmoқ

Мустақил ишлаш учун вазифалар

XX. Нуқталар ўрнини сўроқ сўзлардан (who, where, what, when) танилаб тўлдилинг:

1. ... does the oldest monument of our capital stand?
2. ... is the name of the sculptor of the monument to Alisher Navoi?

3. ... built the observatory in Samarkand in Middle Ages?
4. ... did you show the students the historical places of Tashkent?

XXI. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини гапда қўлланг:

to take a great interest in somebody or in something, to ride by car, to visit a city, to divide into two parts: to know, to paint, to decorate, to form, throughout the world, to become, to build.

XXII. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор беринг:

1. I met him in the **square** not long ago.
2. The **square** of two is four.
3. This table is not **square**.
4. Rivers often **flow** into the seas
5. The **flow** of the water in that place is very strong.
6. **Place** your books in the right order.
7. In what **place** did you put your book?
8. The newspapers **state** many important facts about this expedition.
9. What is the **state** of your health?

XXIII. Қавс ичида берилган феълларни The Past Indefinite Tense га қўйинг:

1. His flat (to be) on the second floor.
2. Many years ago the Uzbek people (to build) the first line of the Metro.
3. The best architects, sculptors and artists (to erect) the underground palaces.
4. The first line of the Metro (to have) only 12 stations.

XXIV. Сўзлар билан ёзинг:

3; 13; 4; 14; 40; 5; 15; 50; 8; 18; 80; 12; 100; 227; 805; 1,000; 4,568; 6, 008; 75; 137; 425; 712; 1,306; 525; 3,032; 678.

XXV. Қуйидаги саноқ сонларни ёзинг:

1; 11; 21; 2; 12; 3; 13; 30; 4; 14; 40; 5; 15; 50; 6; 16; 60; 8; 18; 80; 9; 19; 90; 100; 103; 300; 425; 705; 1,000; 1,015.

LESSON 4.

Фонетика: [а;-э] товуши, ритм ва оҳанг устида ишлаш.

Сўз ясаш: Сифат ясовчи суффикслар: -ic, -y,.

Грамматика: 1. The Future Indefinite Tense (Ноаниқ келаси замон).

2. The Future Indefinite Tense ни шарт эргаш гапда ишлатилиши

Матилар устида ишлаш: Text A: A Visit to Tashkent

Text B: My Day Off

EXERSISES, GRAMMAR NOTES, TEXTS

Фонетика:

Ўқитувчи биргалигида қуйидаги гапларни ўқинг:

I ˌʃanˈt. | I ˈʃanˈt ˌdance. | I ˈʃanˈt ˈdance at the ˈgarden ˌparty. | I ˈʃanˈt ˈdance at the ˈgarden ˈparty at my ˈaunt's ˌfarm. | I ˈʃanˈt ˈdance at the ˈgarden ˈparty at my ˈaunt's ˌfarm toˌmorrow. ||

Сўз ясаш: Сифат ясовчи суффикслар:

— ic phonetic (фонетик), mechanic (механик)

— y hearty (юракдан), sunny (қуёшли)

II. Қуйидаги сўзларни таржима қилинг:

historic, classic, atomic, funny, cloudy, practic, realistic.

Грамматика

The Future Indefinite Tense (Ноаниқ келаси замон).

The Future Indefinite Tense иш-ҳаракатни келаси замонда бўлишини англатади, **биринчи** шахс бирлик ва кўпликда **shall**, қолган шахсларда **will** ёрдамчи феъллари билан ясалади. Бу ёрдамчи феъллар тусланувчи асосий феълдан аввал келади.

The Future Indefinite Tense

Бўлишли шакли	Сўроқ шакли	Бўлишсиз шакли
I (we) shall work.	Shall I (we) work?	I (we) shall not work.
You (he, she, it, they) will work.	Will you (he, she, it, they) work?	You (he, she, it, they) will not work.

Shall ва **will** нинг қисқа шакли -'ll:

I shall = I'll; He will = He'll

Shall not = Shan't ['ʃa:nt]

Will not = Won't ['wəʊnt].

The Future Indefinite Tense асосан **tomorrow, the day after tomorrow, in two days (weeks, months, next, week (year))** иборалари билан ишлатилади.

I shall translate this story tomorrow	Мен бу ҳикояни эртага таржима қиламан.
---	--

He will visit his friend next week	У дўстиникига кейинги ҳафтада боради.
--	---------------------------------------

The Future Indefinite Tense ишлатилган гапдаги кесимнинг сўроқ формасида **shall** ёки **will** ёрдамчи феъл эгадан аввал қўйилади, жавоб қисқа бўлади.

Бўлишсиз гапда ёрдамчи феълдан кейин **not** юкламаси ишлатилади.

Will you go to the library with me tomorrow?	Сиз эртага мен билан кутубхонага борасизми?
---	---

Yes, I shall.	Ҳа.
----------------------	------------

Mike will not go to the library tomorrow.	Майк эртага кутубхонага бормайди.
--	--

The Future Indefinite Tense ишлатилган шарт эргаш гап **when, if, after, before, as soon as, till, untill, unless, provided** боғловчилар билан бош гапга боғланади. Инглиз тилида шарт эргаш гапнинг кесими ҳозирги замонда, бош гап кесими келаси замонда ишлатилади.

If I have time I'll come to your place.	Агар менинг вақтим бўлса, мен сизникига бораман.
--	--

When you come to my place we shall solve the problem together.	Сиз меникига келганингизда, масалани биргаликда ечамиз.
---	---

III. Уқинг The Future Indefinite Tense ишлатилишига аҳамият беринг:

- Will you be here tomorrow?
- Yes, I shall. I'll be here.
- Will Mary come, too?
- Yes, she will. She'll come, too.

- Will John be in class tomorrow?
- No, he won't. He must be at the doctor's. He won't be here.

IV. Гапларни ўқинг, сўзловчига илтимос, маслаҳат, таклиф билан муурожаат қилишни унутманг:

- Will you help me?
- Yes, I'll be glad to help you.
- Will you come to my place?
- Yes, I'll be glad to come, thank you.
- Will you have lunch with me tomorrow?
- I'm sorry. I'll be busy tomorrow.
- Will you meet me at the station?
- Yes, I'll be glad to, I'll meet you at 10 o'clock.

V. The Future Indefinite Tense шарт эргаш гапда ишлатилганини кўрсатинг:

- | | |
|--|---|
| 1. If I see him tomorrow I shall ask him about it. | 1. Агар мен уни эртага кўрсам, ундан у тўғрисида сўрайман. |
| 2. If the weather is fine tomorrow we shall go to the country. | 2. Агар эртага ҳаво яхши бўлса, биз қишлоққа борамиз. |
| 3. He won't finish his work in time unless he works hard. | 3. Агар у қаттиқ ишламаса, ўз ишини вақтида тугата олмайди. |
| 4. I'll give you the book on condition (that) you return it the next week. | 4. Мен сизга китобни кейинги ҳафтада бериш шарти билан бераман. |
| 5. If she is here she is probably working in the library. | 5. Агар у шу ерда бўлса, кутубхонада ишлаётган бўлиши мумкин. |
| 6. If I see him, I shall tell him about it. | 6. Агар уни кўрсам, мен унга у тўғрисида айтаман. |

VI. МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Қуйидаги сўзларни ўқинг ва эсда сақланг:

guest	[ˌgest]	меҳмон
member	[ˌmembə]	аъзо
palace	[ˌpælɪs]	қаср, сарой
stage	[ˌsteɪdʒ]	сахна

tour	[ˌtuə]	саёҳат
return	[riˌtə:n]	қайтмоқ
show (showed, shown)	[ʃou]	кўрсатмоқ
abroad	[əˌbrɔ:d]	чегаралан ташқари
later on	[ˌleɪtə]	кейинроқ,
chance	[ˌtʃɑ:ns]	кечроқ
		ҳодиса,
		тасодиф
circus	[ˌsə:kəs]	цирк
State Concert Hall		Давлат концерт
		зали
ballet	[ˌbæleɪ]	балет

Text A

VII. Матнини ўқинг ва чет давлатлардан келган сайёҳлар учун Тошкент ҳақида ҳикоя тузинг.

A VISIT TO TASHKENT

Next Monday a group of college teachers from abroad will come to our city. They will go on a tour over the Republic. During the first week of their stay in Uzbekistan they'll visit Tashkent, Samarkand, Bukhara, Khiva and then return to Tashkent.

They'll begin their tour of our republic with a visit to the Park named by A. Navoi and a look round Tashkent historic museums. Later they'll visit National University of Uzbekistan and a lot of other places of interest. They'll visit Kukeldash Mosque-an architectural monument of the 18 century.

On their first night in Tashkent the guests will see a ballet on the stage of the Navoi Theatre. Those who wish will also have a chance to go to the circus or attend concerts at the State Concert Hall.

On Sunday morning the group will leave for Samarkand.

VIII. Саволларга тулиқ жавоб беринг:

1. When will the group of college teachers come to our city?
2. What cities will they visit during their tour? 3. What places of

interest will they visit in Tashkent? 4. Why is autumn a good time for visiting our Republic? 5. Who will meet the tourists? 6. Where will the group stay? 7. When will the group leave?

IX. Иккитадан бўлиб ишлаш учун диалог

A: Сиз қачон уйга кетасиз? B: When will you leave for home?

A: I shall leave tomorrow morning. B: Эртага эрталаб кетаман.

